БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 9 (11758). | Чоршанба, 11 январь, 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Кеча Москвада КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилди.

Пленум КПСС XXII съездини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Пленум ишлари давом этмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1961 йил 10 январда Катта Кремль саройида КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилди.

Пленум қуйидаги кун тартибини тасдиқлади:

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги, XXII съездини чақириш тўғрисида.

2. 1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш давлат планини ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида — РСФСР Министрлар Совети, Украина Компартияси Марказий Комитети, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, Қўриқ ўлка партия ўлка комитети, Белоруссия, Ўзбекистон, Грузия, Озарбайжон, Литва, Молдавия, Латвия, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркманистон ва Эстония Компартиялари Марказий Комитетларининг докладлари.

3. Коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг якунлари тўғрисида доклад.

Марказий Комитет Пленуми КПСС нинг навбатдаги XXII съездини 1961 йил 17 октябрда чақириш тўғрисида қарор қабул қилди. Марказий Комитетнинг бу масалага доир қарори эълон қилинади.

Марказий Комитет Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда. 11 январда иккинчи масалага доир докладлар тингланади.

Иттифоқчи республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг Марказий Комитет аъзоси бўлмаган секретарлари, иттифоқчи республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка, область партия комитетларининг қишлоқ хўжалик бўлимлари мудирлари, баъзи район партия комитетларининг секретарлари; иттифоқчи республикалар Олий Советлари Президиумларининг раислари; иттифоқчи ва автоном республикалар Министрлар Советларининг, меҳнаткашлар депутатларининг ўлка ва область Советлари ижроия комитетларининг раислари, иттифоқчи республикалар Министрлар Советлари раисларининг қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, иттифоқчи республикалар давлат план комиссияларининг раислари, баъзи халқ хўжалиги кенгашларининг раислари, иттифоқчи ва автоном республикаларнинг қишлоқ хўжалик министрлари, ўлка, область қишлоқ хўжалик бошқармаларининг бошлиқлари, иттифоқчи республикаларнинг сув хўжалиги министрлари, баъзи совхоз трестларининг ва совхозларнинг директорлари; олимлар, колхозларнинг раислари, қишлоқ хўжалик илғорлари; тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги билан шуғулланувчи давлат ва махсус конструкторлик бюроларининг бошлиқлари ва бош конструкторлари ҳамда заводларнинг бош инженерлари ва конструкторлари, трактор заводларининг, шунингдек қишлоқ хўжалик машинасозлиги етакчи заводларининг директорлари ва бош инженерлари; қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтларининг раҳбарлари; министрликларнинг ва марказий бошқармаларнинг раҳбар ходимлари; марказий газеталарнинг ва журналларнинг редакторлари; КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети аппаратларининг масъул ходимлари Марказий Комитет Пленумининг ишида қатнашиш учун таклиф қилинганлар.

КПССНИНГ НАВБАТДАГИ XXII СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1961 йил 10 январда қабул қилган қарори

1. КПСС нинг навбатдаги, XXII съезди 1961 йил 17 октябрда чақирилсин.

2. Съезднинг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин:

1) КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади — докладчи КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев.

2) КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот доклади — докладчи Ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ А. Ф. Горкин.

3) КПСС программасининг лойиҳаси — докладчи ўртоқ Н. С. Хрушчев.

4) КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар тўғрисида — докладчи КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ф. Р. Козлов.

5) Партия Марказий органларини сайлаш.

КПСС Программасининг лойиҳаси ва КПСС Уставининг лойиҳаси матбуотда эълон қилинсин.

3. КПСС XXII съездига вакиллар сайлашнинг қуйидаги нормалари белгилансин: партиянинг 2000 аъзосидан ҳал қилувчи овоз билан бир делегат ва партия аъзолигига 2000 кандидатдан маслаҳат овози билан бир делегат.

4. КПСС XXII съездига делегатлар, партия Уставига мувофиқ, область, ўлка партия конференцияларида ва иттифоқчи республикалар компартияларининг съездларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланадилар. Украина, Белоруссия, Ўзбекистон ва Қозоғистон компартияларидан КПСС съездига делегатлар шу республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг хоҳиши билан область (ўлка) партия конференцияларида ёки компартияларнинг съездларида сайланадилар.

Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, ички ва конвой соқчилиги ҳамда чегара қисмлари партия ташкилотларида турувчи коммунистлар КПСС XXII съездига делегатларни қолган партия ташкилотлари билан биргаликда область, ўлка партия конференцияларида ёки иттифоқчи республикалар компартияларининг съездларида сайлайдилар.

Совет Армиясининг ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг чет элдардаги қисмлари партия ташкилотларида турувчи коммунистлар партия XXII съездига делегатларни тегишли қўшинлар қўшилмаларининг партия конференцияларида сайлайдилар.

5. Область, ўлка партия конференциялари ва иттифоқчи республикалар компартияларининг съездлари 1961 йил сентябрда ўтказилсин, бу конференциялар ва съездларда раҳбар партия органларининг ҳисоботларини тинглаш ва бу органларни сайлаш ҳамда КПСС XXII съездига делегатлар сайлашдан ташқари, КПСС Программасининг лойиҳаси ва КПСС Уставининг лойиҳаси ҳам муҳокама қилинсин.

СУДАН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТЕЛЕГРАММАЛАР АЙИРБОШЛАНДИ

1961 йил 1 январда Судан Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги байрам қилиниши муносабати билан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Судан Республикаси қуролли кучлари олий кенгашининг раиси ва бош министри генерал-лейтенант Иброҳим Аббудга табрик телеграммаси юбордилар.

Мамнуният билан қайд қилмизки, дейилади телеграммада, ўтган беш йил ичида Судан халқи ўзи танлаб олган позитив бетарафлик ва ҳарбий блокларда қатнашмаслик ташқи сиёсатига амал қилиб, ўз мамлакати мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида маълум муваффақиятларга эришди.

Совет халқи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Судан Республикаси ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатларнинг ҳар иккала мамлакат халқлари бахт-саодати йўлида ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланишига ва ривожланишига астойдил интилади.

Жавоб телеграммасида генерал-лейтенант Иброҳим Аббуд Судан Республикаси қуролли кучларининг олий кенгаши ва халқи номидан мустақиллик куни муносабати билан юборилган табриклар учун қизғин ташаккур билдиради ҳамда Н. С. Хрушчевга, Л. И. Брежневга ва СССР халқига бахт-саодат ва равнақ тилайди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказиш тўғрисида

Еттинчи чақириқ Узбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари ваколатининг 1961 йил 1 мартда тугаши муносабати билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов 1961 йил 5 март, якшанба кунига белгилансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1961 йил, 10 январь.

Алмашлаб экиш—мўл ҳосил гарови

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети 1959 йил 18 мартдаги «Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги қарорининг қандай бажарилаётганини кўриб чиқди.

«Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги қарордан сўнг, деб қайд қилди Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ва партия, совет органлари ерлардан фойдаланишни яхшилаш соҳасида анча иш қилдилар. Илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ташкилотлари ҳамма областлар бўйича хўжаликни бошқариш системасини ишлаб чиқдилар, 400 колхоз ва 89 совхоз учун алмашлаб экишни жорий этиш мақсадида ер тузиш лойиҳаси тайёрланди.

Шу билан бир қаторда Қишлоқ хўжалик министрлиги, Сув хўжалиги министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, кўпгина область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари хўжаликни бошқаришнинг тўғри системасидаги асосий звено бўлган алмашлаб экишнинг агротехника ва иқтисодий аҳамияти катта бўлишига қарамай, бу муҳим тадбирга етарли баҳо бермаётирлар. Ўтган йили кўплаб колхозлар ва совхозлар алмашлаб экиш тартибини бузди, беда ва маккажўхори кам экилди, бу экинлар майда, тарқоқ участкаларга жойлаштирилди. Бедапоялар муддатидан илгари ҳайдаб юборилди. Янги боғлар ва токзорлар барпо қилишда, фермалар қуришда, йўл чиқаришда, канал қазишда хўжаликнинг ички ер тузиш лойиҳасидан четга чиқилмоқда.

Кўпгина районларда алмашлаб экиш жорий қилинмаганлиги сабабли пахта ва маккажўхори ҳосилдорлиги секин ўсмоқда. Аксинча алмашлаб экишга қатъий риоя қилинаётган жойларда яхши натижаларга эришилмоқда. «Совой» совхозида алмашлаб экиш яхши йўлга қўйилганлиги туфайли пахта ҳосилдорлиги 1955-1960 йиллар ичида 24 центнердан 28 центнерга етди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район партия, совет ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалик органлари бедачилик хўжалигини тартибга солмаётирлар, алмашлаб экишнинг бузилишига кўникиб қолмоқдалар. Беда экишни баҳордан кузга қолдириш одат тусига кириб қолган. Аммо кузда ҳам беда экиш плани бажарилмаётир.

Кўпчилик хўжаликларда беда яхши парвариш қилинмаганидан бутун ёз давомида гектаридан фақат 40-50 центнер пичан олинмоқда. Моллар қимматли оқсилга бой бўлган озуқа билан таъминланмаяпти, ерларнинг ҳосилдорлиги оширилмаяпти, тупроқнинг вильт касалига чидамлилиги пасайиб бормоқда.

Озуқабоп экинларга ажратилган майдонларга баҳорда маккажўхорини квадрат-уялаб экиб, мўл ҳосил олаётган колхоз ва совхозларнинг тажрибаси диққатга сазовордир. Бундай хўжаликлар маккажўхорини яхши парвариш қилиб, гектаридан думбул сўтаси билан 700-800 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ кўкпоя олишмоқда, августнинг охирида эса бедани оқ жўхори ёки маккажўхорига аралаштириб экишмоқда. Бу эса молларни ем-хашак билан таъминлашга, алмашлаб экишни тезроқ ўзлаштиришга имкон бермоқда. Лекин бундай илғор хўжаликларнинг тажрибаси секин жорий этиляпти.

Кўпчилик колхоз ва совхозларда беда уруғчилиги ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Уруғлик олиш учун бедапояларни ажратиш таъминланмаётир, яхши нав уруғ етиштириш плани бажарилмай қолмоқда. 1960 йилда Андижон ва Фарғона областларининг колхозларида уруғлик беданинг деярли ярми пичан учун ўриб юборилди, республиканинг Холдевонбек, Сталин, Охунбобоев, Янгийўл, Сирдарё ва бошқа районларида эса уруғлик беданинг ҳаммаси пичан учун ўриб олинди.

Республика колхоз ва совхозлари 1960 йилда маккажўхори ва оқжўхори етиштиришни анча яхшиладилар. Силос бостириш мажбурияти бажарилди. Шунга қарамай, қарорда кўрсатилишича, кўпгина хўжаликлар суғориладиган ерлардан кўплаб дон ва кўкпоя олиш имкониятидан тўла фойдаланмаётирлар. 1960 йилда республикада силос учун етиштирилган маккажўхорининг ҳар гектаридан ўртача 22,4 тоннадан ҳосил олинди, холос.

Кўпгина областларда 1961 йил баҳорида алмашлаб экишни ўзлаштиришга, беда, маккажўхори ва оқжўхори экишга тайёргарлик жуда қониқарсиз бормоқда, Ҳанузгача етарли миқдорда уруғлик тайёрланмаган, ерларни ажратиш тугалланмаган. Ихтисослаштирилган емхашак етиштириш бригадалари ташкил қилиш қониқарсиз бормоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида республика колхоз ва совхозларида алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш учун барча шароит мавжудлиги таъкидлаб ўтилади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети область ва район партия комитетларидан, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советидан, область ва район ижроия комитетларидан, Қишлоқ хўжалик министрлиги, Сув хўжалиги министрлиги ва уларнинг жойлардаги органларидан алмашлаб экишни ўзлаштиришга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришни талаб қилди. 1962 йилда барча колхоз ва совхозларда алмашлаб экиш жорий этилиши керак. Ҳар бир хўжаликда алмашлаб экиш жорий этилгач, у кўпи билан 3-4 йил ичида тўла ўзлаштирилиши керак. 1961 йил 1 февралгача беда экиш учун ерларни ажратиш тугалланмоғи лозим. Эски бедапояларни планда кўрсатилганидан ортиқча бузиш тақиқланади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ўт экиш ва беда уруғчилигига етарли баҳо бермасликка хотима беришни, бедачилик хўжалигига раҳбарлик қилишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишни ва 1961 йилда беда ва уруғлик беданн парвариш қилишни кескин яхшилашни ва мўл ҳосил олишга эришишни талаб қилди.

Сув билан яхши таъминланган районларнинг колхоз ва совхозларига беда экиш учун ажратилган ерларга баҳорда маккажўхори ёки оқжўхори экишни ва бу экинларнинг ҳосили йиғиштириб олингач, ўрнига беда экишни, бу ишни 15-20 августдан кечиктирмай тугаллашни тавсия қилди.

Кам сув районларда бедани баҳорда маккажўхорига ёки оқжўхорига аралаштириб экиш тавсия этилди. Шунингдек, уруғлик учун ажратилган эски бедапояларни кузда қайта ҳайдаш, шу йўл билан бедани ёшартириш тавсия қилинди.

Колхоз ва совхозларга уруғлик бедани маккажўхори ёки оқжўхорига аралаштириб, кенг қаторлаб экиш таклиф қилинди. Уруғлик беда экиш учун ер ажратиш 1961 йил 5 мартгача тамомланиши керак. Ҳамма колхоз ва совхозлар 1961 йилда экиш учун етарли миқдорда уруғликка эга бўлишлари учун зарур чоралар кўрилиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, колхозларнинг раислари ва совхозларнинг директорларига қуйидагиларни топширди:

маккажўхори, оқжўхори ва беда экинларини ихтисослаштирилган бригадаларда марказлаштириш, бу экинларни етиштиришда механизация воситаларидан кенг фойдаланиш;

ҳамма майдонда алмашлаб экишни бир йўла ўзлаштириш мумкин бўлмаган хўжаликларда бу ишни навбат билан, аввало тупроғи кучсиз, ўт босган ва вильт билан зararланган ерлардан бошлаш;

пахта — беда алмашлаб экишда маккажўхори ва оқжўхори экинларини беда экиш учун ажратилган ерларда жойлаштириш, алмашлаб экиш жорий қилинмаган жойларда эса маккажўхори ва оқжўхори экинларини бир массивга экиш;

ҳосилни ўриб-йиғиб олиш ва силос бостириш даврида механизмлар ва ишчи кучларидан тўғри фойдаланиш мақсадида хўжаликларда вегетация муддати турлича бўлган бир неча гибрид бўлишини максадга мувофиқ деб ҳисоблаш.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг экономика институти бир ой ичида ем-хашак ва уруғлик учун беда, маккажўхори ва оқжўхори етиштириш билан шуғулланадиган колхозчилар, совхоз ишчилари ва бригадирларнинг бу экинларни етиштиришда топшириқни бажаргани ва ошириб бажаргани учун рағбатлантиришни кўзда тутган ҳолда, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини тайёрлаши ва кўриб чиқиш учун топшириши керак.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия, совет ташкилотлари кўк беда ва уруғлик бедадан, маккажўхори ва оқжўхоридан мўл ҳосил олаётган ҳамда алмашлаб экишни муваффақиятли ўзлаштираётган хўжаликларнинг тажрибасини кенг оммалаштиришлари керак.

Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Қишлоқ хўжалик фанлари академияси зиммасига 1961 йил 20 февралгача сугориладиган ерлардаги сидерал экинлар тўғрисида таклиф тайёрлаш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область ва район партия комитетларига 1961 йилда бедачилик хўжалигини тубдан яхшилаш, маккажўхори ва оқжўхори ҳосилдорлигини ошириш, алмашлаб экишни ўзлаштириш планини сўзсиз бажариш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида мазкур қарорнинг колхоз ва совхозларда очиқ партия мажлисида муҳокама қилишни ташкил этиш топширилди.

ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛИБ РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ КЕРАК

БЕКОБОД ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бекобод — ёш, навқирон шаҳар, металлурглар, энергетиклар, цементчилар шаҳри. Сўнгги бир неча йил ичида унинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди, республиканинг йирик саноат марказларидан бирига айланди.

Яқинда бўлиб ўтган шаҳар партия конференциясида ҳисобот доклад қилган шаҳар партия комитетининг секретари И. Хуснидинов ва музокараларда қатнашган ўртоқлар худди мана шу масалалар устида, шаҳар саноатининг истиқболи, камол топиши, меҳнат аҳлининг етти йиллик план топшириқларини бажариш йўлидаги самарали ишлари ҳақида тўхталдилар.

Конференцияда партиянинг бирлиги, жипслиги, унинг ғоявий жиҳатдан ўсганлик руҳи шундай сезилиб турдики, бу нотиқларнинг сермазмун, кишини қаяжонлантирувчи сўзларида ёрқин билиниб турди. Конференция қатнашчиларининг коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари Москва Кенгаши қабул этган тарихий ҳужжатлари — Баёнот ва бутун дунё халқларига Мурожаатни бирдамлик билан маъқуллаганликларида худди ана шу ҳис ёрқин ифода этилди.

САЛМОҚЛИ ЯКУНЛАР

Шаҳар партия ташкилотининг КПСС XXI съезди қарорларини бажариш йўлида олиб борган ташкилотчилик ишлари саноат соҳасида техника прогресси учун, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш учун қанчалик куч, билим ва тажриба сарф этилганлигини равшан кўрсатди. Мана шундай илғор, янги нарсаларнинг жорий этилиши орқасида шаҳар саноати етти йиллигининг иккинчи йил программасини муваффақият билан бажарди, пландан ташқари 21 миллион сўмлик маҳсулот берди. Саноат ялпи маҳсулотининг ўсиш даражаси 1959 йилгидан 24 процент кўп бўлди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва хўжаликнинг бошқа соҳаларида меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини кескин камайтириш, прогрессив усулларни қўлланиш ва ишлаб чиқариш маданиятини юксалтиришда социалистик мусобақанинг юқори формаси — коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари ҳаракатининг кенг қулоч ёйиши муҳим роль ўйнади. Ҳозир металл заводи, Фарҳод ГЭС, цемент комбинати ва бошқа корхоналарда 63 коммунистик меҳнат бригадаси ҳаракат қилмоқда. Бу бригадаларга 4 мингдан кўпроқ ишчи ўюшган. Улар жамиятимизнинг янги қуртакларини кенг илдиз отдирувчи ташаббускор кишилардир. Уларнинг иқтидори, ҳаракати камол топаётган ва ўзида коммунистик ғояларни чуқур сингдираётган пешқадамларни гавдалантиради. 21 бригадага коммунистик меҳнат коллективи номи берилди. 2 мингдан кўпроқ киши меҳнат зарбдоридир. Металл заводи прокат цехида айрим бригаданинг коммунистик меҳнат коллективи номини олганига бир неча ой бўлди. Бу коллектив меҳнатда, ўқишда, оилада, жамоат топшириқларини бажаришда қанчалик ибрат кўрсатаётганлигини шу конференцияда сўзга чиққан завод партия комитетининг секретари Ўртоқ Г. Винокуров батафсил ҳикоя қилиб берди. У ўз сўзида металлурглар илғор иш тажрибаларини, коммунистик меҳнат бригадалари кўтариб чиқаётган ташаббуслар умум ишга, етти йиллигинг учинчи йил топшириқларини бажаришга қанчалик таъсир кўрсатаётганлигини жонли фактлар мисолида ойдинлаштириб берди.

Ҳисобот даврида цемент комбинати реконструкция қилинди, унинг ишлаб чиқариш қуввати анча ошди. Энг йирик гишт заводнинг биринчи навбати ишга туширилди. Темир-бетон конструкциялари заводи маҳсулот бера бошлади. Саноат корхоналарини газлаштириш қиғин боряпти. Цемент комбинати коллективи бу соҳада дастлабки ютуқларга эришди. Шаҳарда капитал қурилиш плани 105 процентдан знёдроқ бажарилди. Уй-жой қурилиши топширғи 108 процентдан ошиб кетди. Темир йўл, автомобиль транспорти коллективлари ҳам яхши натижаларга эришдилар. Ихтиорочилик, рационализаторлик ҳаракати ишчиларнинг оммавий ҳаракатига айланяпти. Кейинги бир йил ичида 700 ишчи, инженер-техник ходимдан 800 дан кўпроқ рационализаторлик таклифи тушди. Мана шу таклифларнинг амалга оширилиши 2 миллион сўмдан знёдроқ қўшимча фойда келтирди.

Саноат соҳасида эришилган бу муваффақиятларнинг ҳира томонлари нимада? Бу саволга делегатлардан цемент комбинати партия комитетининг секретари С. Жабборов, металл заводининг прокат цехи коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи С. Нуриддинов ва бошқа ўртоқлар яхши жавоб топа олдилар. Улар ўзлари хизмат қилиб турган корхоналарнинг иқтидорли ишларидан мисоллар келтириш билан бирга, юз берётган баъзи камчиликларни танқид, ўз-ўзини танқид белгиси остида очиб ташладилар.

Шаҳардаги темир-бетонлар ишлаб чиқариш ва гишт заводи етти йилликнинг иккинчи йилида қониқарсиз ишлади. Бу корхоналар давлат планларини бажармадилар. Бунга сабаб ана шу заводларда янги технологиянинг жорий этилмаганлиги, механизациялаш ва автоматлаштириш даражасининг пастлигидир. Гўшт комбинати, сут заводи, нон заводи ва бошқа корхоналарда ишлаб чиқариш маданияти ниҳоятда паст, айрим корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини қамайтириш топшириқлари бажарилмаяпти. Қурилиш ишларининг сифати айниқса талабга жавоб бермайди. Бошлангич партия ташкилотлари эса умумий ишга зарар бераётган мана шундай фактларга қарши, айрим ходимларда юз бериб келаётган масъулиятсизлик ва бепарволик ҳолларига қарши кескин кураш олиб бормаяптилар.

ИШНИНГ ҲИРА ТОМОНЛАРИ

Конференцияда қишлоқ хўжалик масалаларига катта ўрин берилди. Қишлоқ хўжалигининг айрим соҳаларида дуруст натижаларга эришилганлиги колхозчилар ва совхоз ишчиларининг етти йиллик планни бажариш йўлида олиб бораётган иқтидорли меҳнатларининг самарасидир. Давлатга гўшт сотиш юзасидан икки йиллик топшириқ бажарилди. Давлат омборларига 130 процент миқдорида пилла топширилди. Сут, жун, тухум, ғалла, шоли ва бошқа маҳсулотлар етиштириш планлари ҳам ортиғи билан адо қилинди. Лекин район экономикасида ҳал қилувчи соҳа ҳисобланган пахтачиликда кейинда қолинди. Бу ердаги бирор колхоз ва совхоз ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажармади. Айрим бригадалар ва бўлимларни мустаҳкамлаш ва бўлимларнинг ишчи ҳамма хўжаликларда пахта тайёрлаш планини бажариш мумкинлигини исботлайди. Лекин Бекободда ана шу қийинчиликлар бартараф этилмади. Хўжаликка ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилабилмаслик, илғорлар тажрибасини, фан ютуқлари ва агротехниканинг янги усуллари дадил қўлланилмаганлиги орқасидагина мана шундай қолоқлик юз берганлигини эътироф этиш керак.

Докладчи ва музокарада қатнашган делегатлар колхозларнинг қолоқлигига, пахта ҳосилининг кескин пасайиб кетишига сабаб коллектив хўжаликларга малакали раҳбарлик қилинмаганлиги н и н г оқибати деб тўғри кўрсатишди. Бироқ шундай савол туғилади: нега иш энгилгина бошланаётган баҳор кезларида ана шу масалага иқодий ёндашилмади, раҳбарлик ишлаб чиқаришга яқинлашмади, энди эса бу саволга афсусланиб жавоб беришяпти, елка қисишяпти.

ТАШКИЛОТЧИ КАДРЛАР КЕРАК

Қишлоқ хўжалигида юз берган аянч аҳвол колхоз ва совхозларнинг ишчан, ташкилотчи, билимдон кадрлар билан мустаҳкамланмаганлигида деб делегатлар томонидан баён этилган фикрлар жуда тўғри. Одатда колхозларга юборилган кадрлар энгилгина ишга киришиши биланоқ тезда чақириб олинади. Баъзан эса қобилиятсиз кишилар раҳбарлик лавозимларига қўйилади-да кейинчалик райком ходимлари бундай кишиларни алмаштиришга мажбур бўладилар.

Конференцияда мана шундай факт тилга олинди: Дзержинский номли колхозда икки йил ичида тўрт марта партия комитетининг секретари алмашди. Мамасоли Бегматов мана шу вазифага икки марта сайланди. Бошқа колхоз ва совхозларда ҳам кадрларни тез-тез алмаштириш каби практика анча тус олганлиги хўжаликларда муқим ишлайдиган кадрлар группасини вужудга келтиришга халақит берянти.

Конференцияда бу йилги кўклам экин кампаниясига қониқарсиз тайёргарлик кўрилаётганлиги, ариқ-зовурлар қазилмаётганлиги, минерал ўғитлар ташиб олинмай, далага маҳаллий ўғит чиқарилмаётганлиги, машиналар ремонти секин бораётганлиги жуда тўғри қайд қилинди.

Конференцияда бошланғич партия ташкилотларининг ташкилий ишларида юз бераётган нуқсонлари, пропаганда ва агитация ишларининг айрим жойларда жанговар тус олмаганлиги, сиёсий агитация қаёт билан маҳкам боғланмаганлиги ва унинг таъсири сайёлиги ҳақида анча гап бўлди.

Сўзга чиққан делегатлардан Ленин номли колхоз далачилик бригадасининг бошлиғи Эргаш Фармонов, 1- «Далварзин» совхози партия комитетининг секретари Ҳаким Юсупов горторг бошланғич партия ташкилотининг секретари Маҳсуда Гайбуллаева, ўрта мактаб директори Башорат Ғуломова ва бошқа ўртоқлар партия пропагандасининг таъсирчанлигини, ҳаётийлигини кучайтириш, уни оммага, ишлаб чиқаришга яқинлаштириш зарурлигини айтдилар.

Конференцияда сайланган составнинг пленумида И. Хуснидинов шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, Г. И. Кретов, Қ. Ўрмонов ўртоқлар горком секретарлари қилиб сайланди.

Х. ЕДГОРОВ,

«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири.

МУСТАҚИЛ СИЁСИЙ БИЛИМ ОЛИШ — ПАРТИЯ КАДРЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Ф. ТИТОВ
Узбекистон КП Марказий Комитетининг секретари

<>

Партия кадрларига марксча-ленинча билим бериш — айрим масала бўлмай, балки кишидар билан олиб бориладиган кўп қирали ишнинг ажралмас, таркибий қисмидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва область партия комитетлари КПСС XX ва XXI съездларининг қарорларига амал қилиб, сиёсий маорифни ташкил қилганда юзакичилик, расмиятчилик ва маъмуриятчилик элементларига барҳам бериш чораларини кўрдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва маҳаллий партия комитетлари ўқиш формасини танлаш ташаббусини коммунистларнинг ўзларига ҳавола қилдилар, марксча-ленинча назарияни эгаллашнинг асосий методи сифатида мустақил сиёсий билим олишни кенг ривожлантириш учун шароит яратиб бердилар.

Ҳозирги вақтда республика партия аппарати ходимларининг ярмиси марксизм-ленинизмни, социалистик экономика ва қишлоқ сиёсат масалаларини мустақил равишда ўрганмоқда. Таҳминан етти юз киши кечки марксизм-ленинизм университетлари, партия маорифи системасида ташкил этилган тўғарак ва мактабларда ўзининг ғоявий-сиёсий даражасини оширмоқда ҳамда беш юздан ортиқ киши олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида ўқимоқда.

КПСС XXI съездидан кейин республика партия комитетлари кадрларининг сиёсий ўқишига раҳбарликни бирмунча яхшиладилар, марксча-ленинча назарияни мустақил ўрганувчиларга ёрдамни кучайтирдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида раҳбар партия ва совет ходимлари учун доимий ишловчи семинар ташкил қилинган бўлиб, унда Марказий Комитетнинг секретарлари ва бюро аъзолари, республика совет ҳамда хўжалик органларининг раҳбарлари, етакчи олимлар, саноат ва қишлоқ хўжалик мутахассислари, маданият арбоблари лекция ва докладлар қилиб турадилар. Лекция ва докладлар марксизм-ленинизм назариясига, СССР-да коммунистик қурилиш тажрибасининг турли масалаларига, давлатимизнинг ҳозирги вақтдаги халқаро сиёсати масалаларига, фан ва техниканинг энг янги ютуқларига, партия ва ҳукуматнинг энг муҳим қарорларига бағишланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бир йилда камида икки марта партия ходимлари турли категориясининг кенгаш-семинарини ўтказиб, бунда улар учун коммунистик қурилиш ва партиявий ишнинг актуал масалалари юзасидан лекциялар ўқилади. Ана шу семинарларда кадрлар мустақил сиёсий ўқишининг савиясини ошириш йўллари ва воситалари кенг муҳокама қилинади, тажриба алмашиш ташкил этилади.

Маҳаллий партия кадрларига ўзларининг сиёсий билимларини тинмай оширишда ёрдам бериш учун республика Компартияси Марказий Комитети областлар, шаҳарлар ва районларга Марказий Комитетнинг, совет органларининг ходимларини, олимларни, лекторларни юбориб туради.

КПСС Марказий Комитетининг 1960 йил 9 январда «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида» қабул қилган қарори муносабати билан кадрларнинг марксча-ленинча ўқишининг аҳволи ва уни янада яхшилаш вазифалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида муҳокама қилинди.

Партия қарорлари асосида кўрилган чоралар кадрларнинг сиёсий ўқишини яхшилашга олиб келди. Жумладан, Тошкент шаҳар партия комитети ҳузурида партия ва совет ходимлари учун иккита назарий семинар ташкил этилди. Ана шу семинарларнинг қатнашчилари цикли лекцияларни тингладилар ва назарий конференцияларда чиқиб гапирдилар.

«Социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг такомиллашуви» темасидаги назарий конференция қизиқарли, ғоявий жиҳатдан юқори савияда ўтди. Бу темани муҳокама қилиш давомида Тошкент ва умуман Ўзбекистон қаётидан олинган кенг ҳажмдаги материал мисол тариқасида келтирилди; марксча-ленинча иқтисодий назарияга асосланиб, саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни ташкил этишни такомиллаштиришнинг конкрет вазифалари қараб чиқилди.

Семинар қатнашчилари «Ишда Ленин услубининг хусусияти» темасини муҳокама қилган вақтда катта активлик кўрсатдилар.

Семинар қатнашчилари Ленин хусусиятларининг жонли тимсолини ўзида мужассамлаштирган ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Президиумининг доно фаолияти ҳақида ҳаяжон билан гапирдилар.

Партия Ленининг васиятларига қўшилмай амал қилган, унинг таълимотини ижодий равишда ривожлантирган ва бойитиб борган ҳолда, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишнинг формаларини такомиллаштирмоқда, партия ва давлат раҳбарлигининг янги методлари ҳамда янги формаларини ишлаб чиқаётир. Партия съездлари, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари ва партия ана шу қарорларни амалга ошириш учун олиб бораётган қураш — бу ҳаракатдаги марксизм-ленинизмнинг ўзгинасидир.

Шу сабабли Марказий Комитет ва Ўзбекистон Компартиясининг маҳаллий комитетлари партия аппаратининг ходимлари ва барча коммунистлар томонидан партия қарорларининг ўрганилишига биринчи даражали аҳамият бердилар. Бу иш қарорларнинг характерини ҳисобга олиб, табақалаштирилган ҳолда ўтказилди. Одатда КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг муҳим қарорлари бўйича партия комитетларида махсус кенгашлар ўтказилиб, уларда ана шу қарорнинг моҳияти ва уни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган конкрет вазифалар чуқур равишда тушунтириб берилади.

* * *

Республика партия комитетлари кадрларимизнинг сиёсий ғоявий-назарий ўқишни ҳаётни, коммунистик қурилиш тажрибасини ўрганиш билан доим чамбарчас боғланган бўлишини, бу ўқиш ходимларнинг ишчанлик даражасини оширишга, улар амалий фаолиятининг услуб ва методларини такомиллаштиришга имкон беришини таъминлаш учун интилмоқдалар. Партия ходимлари революцион курашнинг тарихий тажрибасини ва Ленин партиясининг жуда катта яратувчилик ишини чуқур билишлари, ҳозирги куннинг вазифаларини тўғри тушунишлари ва унинг маъносини большевикларга хос эҳтирос билан коммунистларга, барча меҳнаткашларга тушунтириб боришлари керак. Бироқ фақат бугина эмас. В. И. Ленин ишонтира билишдан ташқари, ташкил эта билиш ҳам керак деб қайта-қайта таъкидлаган эди. Агар ҳолим фақат нима қилиш кераклиги ҳақида гапириб, ишни амалий ишкил этмаса, у ҳолда меҳнаткашлар унга бундай дейишлари мумкин: «Сен нима қурмоқчи бўлаётганлигингни ҳа деб кўрсата берасанми, сен амалда — қандай қура билишингни кўрсатсанг-чи. Агар билмасанг, унда сен билан бизнинг йўлимиз бошқа-бошқа, кўзимиздан йўқол!». Шундай деса у ҳақли бўлади». (В. И. Ленин, Асарлар, 33-том, 58-бет).

Кейинги вақтда бизда иқтисодий билимларни, даставвал, конкрет экономикани пропаганда қилиш сезиларли даражада кучайди. Қўйидаги маълумотлар республикада кадрлар иқтисодий ўқишининг кўлами ҳақида далолат беради: агар 1955/56 ўқув йилида партия маорифи системасида сиёсий иқтисод ва конкрет экономика бўйича 884 тўғарак ҳамда семинар ташкил қилинган бўлса, 1959/60 ўқув йилида 1900 тўғарак ва семинар мавжуд эди. Бунинг устига саноат, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа соҳаларнинг конкрет экономикаси бўйича мактаб ва семинарларнинг сони шу давр ичида 239 тадан то 1320 тага кўпайди. Ҳозир республикада 50 мингга яқин партия, совет, комсомол ва касаба союз ходимлари, хўжалик раҳбарлари, ишчилар, колхозчилар иқтисодий фанни ўрганмоқдалар. Масалан, Андижон областида кўпчилик районларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши конкрет экономикасини ўрганиш бўйича доимий ишловчи семинарлар ташкил этилган. Уларда район партия комитетларининг секретарлари, бўлим мудирлари ва инструкторлари, шунингдек совхоз ҳамда колхоз партия ташкилотларининг барча секретарлари ўқимоқдалар. Кўпчилик районларда семинарларга район партия комитетларининг секретарлари бошчилик қилмоқдалар

Бизда саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг резерваларини аниқлаш ва ундан фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг таннархини қамайтириш масалалари бўйича иқтисодий конференциялар ўтказиш кенг ёйилди. Ана шундай конференцияларни ўтказишда, партия аппаратининг ходимларидан ташқари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, совет ва хўжалик активи, олимлар, инженерлар, агрономлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ҳам иштирок этадилар.

Мисол учун, Тошкент область илмий-иқтисодий конференцияси қизиқарли ўтди. Бу конференциянинг қатнашчилари бир қатор докладларни тингладилар ва муҳокама қилдилар. Конференция ишида атоқли пахтакорлар: Н. С. Хрушчев номли колхознинг раиси ҳ марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов, комплекс механизациялашган бригаданинг раҳбари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Тюпко ва қишлоқ хўжалигининг бошқа илғорлари, шунингдек Тошкент олий партия мактаби экономика кафедрасининг ходимлари ҳамда тингловчилари иштирок этдилар. Нотиқларнинг нутқларида айрим колхозларнинг экономикаси чуқур анализ қилиб берилди, хўжаликни тўғри бошқариш ҳақида бир қатор қимматли фикрлар баён қилинди.

Самарқанд областининг Оқдарё районида пахта ва бошқа маҳсулотларнинг таннархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва фойдаланилмаётган резервларни аниқлаш масалаларига бағишланган иқтисодий конференция юксак савияда ўтди. Конференцияда район партия ва совет ходимлари, колхозлар ҳамда «Даҳбед» совхозининг агрономлари, экономистлари ва бухгалтерлари иштирок этдилар. Район партия комитетининг секретари — ўртоқ Лукмонов доклад қилди. У, илғор колхозлар бир центнер пахта етиштириш учун қилинган меҳнат сарфини камайтиришга қандай қилиб эришганликларини конкрет фактлар асосида кўрсатиб берди, колхоз ва совхозларда ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги, прогрессив формаси ҳисобланган комплекс механизациялашган бригадаларнинг ролини кўрсатди. Шу сабабли қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳаётий муҳим масалаларига таллуқли доклад конференция қатнашчилари ўртасида катта қизиқиш ҳосил қилганлиги тўла табиийдир.

Биз конкрет экономикани техника прогресси проблемалари билан бирга қўшиб ўрганишнинг катта аҳамият берамиз. Гарчи партия комитетлари ходимлари ўртасида мутахассислар — инженерлар, агрономлар, экономистлар анчагина сонни ташкил қилса ҳам, барибир аппарат ходимларининг ҳаммаси фан эришаётган янгидан-янги ютуқларни ва илғор тажрибани муттасил равишда ўрганиб бормаса, саноат ва қишлоқ хўжалигига чинакамига, конкрет равишда раҳбарлик қилиб бўлмайди.

Республика партия комитетлари ахши ташаббус кўрсатди. Снёсий маориф Уйи ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Илмий-техника комитети ходимлари биргаликда ҳаракат қилиб, илмий ва техника билимларни пропаганда қилиш бўйича лекторий ташкил этдилар. Бу лекторийга шаҳар ва район партия комитетларининг, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг ходимлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари келиб турадилар.

Республика партия кадрлари саноат ва қишлоқ хўжалик идоралларининг, ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибасини қатъият билан ўрганмоқдалар.

Фарғона область партия комитети бошқа республика ва областларнинг тажрибасига таяниб, қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг прогрессив методларини оммалаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишга қаратилган тадбирлар системасини ишлаб чиқди. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина иш қилинди. Мана, айрим мисоллар.

Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхозида областда биринчи бўлиб «Арча» типидаги сут соғиш майдончаси қўлланилди. Янги усул яхши натижа берди. Бироқ бу усул бошқа колхозларда қўлланилмади. Область партия комитети барча район партия комитетларининг секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, РТС директорлари, колхоз раислари, чорвачилик мутахассислари ва сут соғувчиларнинг «Ўзбекистон» колхозига навбати билан келишларини ташкил этди. Ўзар колхоз раиси ўртоқ Мирзаахмедовнинг бу усулнинг иқтисодий афзалликларини тўғрисидаги докладини тингладилар, сўнгра эса уларга янги сут соғиш аппаратини қандай қўлланиш лозимлиги кўрсатилди. Бу усулнинг афзалликларини чорвадорлар, фермаларнинг ходимлари ўртасида тушунтириш кенг йўлга қўйилди. Натижада «Арча» эндиликда областда ҳамма жойда қўлланилаётир.

Фарғона областининг кўпчилик партия ходимлари ва механизаторлари Поп районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Медиқўзи Умрзоқов бошлиқ трактор-далачилик бригадасида ғўзани парвариш қилишда техникадан фойдаланишнинг илғор методлари билан амалда танишдилар, сўнг эса жойларда машқур механизаторнинг тажрибасини оммалаштириш юзасидан актив иш олиб бордилар.

Тошкент — олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари шаҳри. Бу ерда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, республика Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, эллликка яқин илмий тадқиқот институтлари ишлаб турибди. Илмий муассасалар жуда катта тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Республика олимлари партия комитетларига меҳнаткашларнинг кенг табақалари ўртасида илмий билимларни пропаганда қилиш ишидагина эмас, шунингдек раҳбар партия, совет, хўжалик кадрларининг маҳсус билимларини орттиришда ҳам ёрдамлашмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия, совет ва хўжалик кадрларининг марксча-ленинча билим олишида матбуотнинг ролини кўтаришга қаратилган бир қанча тадбирларни амалга оширди.

Республика нашриётлари сўнгги бир ярим йил ичида сиёсий иқтисод ва конкрет экономика масалалари бўйича рус ва ўзбек тилларида 30 дан ортиқ китоб ва брошюра нашр этдилар. Булар ўртасида «КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми — қишлоқ хўжалигини янада механизациялаштириш, меҳнат унумдорлигини орттириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини камайтириш тўғрисида», «Пахтачиликда ишлаб чиқариш сарфи ва уни камайтириш йўллари», «Колхоз-кооператив мулки ва унинг янада ривожланиши», «Саноат корхоналари фаолиятининг хўжалик таҳлили» брошюралари ва бошқалар бор. Илгари фақат ўзбек тилида нашр этилиб келинган «Коммунист» ва «Партия турмуши» журналлари 1960 йил 1 июлдан рус тилида ҳам чиқарила бошланди. Шу туфайли бу журналларнинг ўқувчилари доираси кенгайди ва муҳими шуки, барча партия, совет ходимлари энди бу журналлардан фойдаланадиган бўлиб қолдилар.

Марказий Комитет ва обкомлар кадрларнинг ғоявий-назарий ва ишчанлик савиясини кўтаришга эътибор ва талабчанликни кучайтирганлиги натижасида эндиликда партия аппарати ходимларининг кўпчилиги ўзининг марксча-ленинча таълимот соҳасидаги билимларини қунт билан чуқурлаштирмоқдалар, иқтисод фанини, конкрет экономикани, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши техникасини астойдил эгалламоқдалар. Республика коммунистик партиясининг марказий, область, район ва шаҳар комитетлари аппаратларидаги 2725 ходимдан ҳозир 2500 дан ортиғи лектор, пропагандист, докладчи, консультантдир.

Кадрларнинг сиёсий ва ишчанлик савиялари ошаётганлиги партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва тарбиявий ишларида, оммага партия раҳбарлигининг усуби ва методлари такомиллашаётганида, техника тараққиёти учун курашда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Партия комитетларининг хўжалик ва маданий қурилиш ишларига раҳбарлики конкретроқ ва малакалироқ бўлиб қолди.

Бунга ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Масалан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни олиб қарайлик. Чигитни квадрат-уялаб экишга ва ғўзани янги прогрессив усулда парвариш қилишга ўтиш вазифаси бир неча йил давомида ўртага ташланиб келинди. Бироқ, бу иш жуда секинлик билан борди. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик ходимларининг квадрат-уялаб экишнинг афзаллиги ва техникасини ўрганиши ҳамда яхши уюштирилганидан, улар колхоз, совхоз раҳбарлари ўртасида, механизаторлар, колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида зарур ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтириб юборганларидан кейингина бу иш тез юришиб кетди.

Ўтган йили 1 миллион 100 минг гектар майдонга чигит квадрат-уялаб экилган эди, бу йил эса 1 миллион 231 минг гектар ерга шундай усулда экилди. Бу, қўл меҳнатини кескин даражада камайтириш, ғўзаларни механизмлар билан ишқи томондама ишлашни кенг қўллаш имконини берди.

Ҳосилни йиғиб олишни механизациялаш — пахтачиликдаги энг мураккаб ва энг муҳим вазифа бўлган эди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Пахтачиликнинг энг оғир меҳнат жараёни ҳам шу ҳисобланади. Етти йиллигининг биринчи йилида бу муҳим ишда бизда дастлабки бурилиш ясалди: 300 минг тоннадан ортиқроқ пахта машина билан териб олинди. Бу йил эса ярим миллион тоннадан знёд ҳосил машинада йиғилди.

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари ҳақида»ги қарорида кўрсатиб ўтилганидек, ғоявий-сиёсий тарбия ишидаги энг муҳим нарса барча меҳнаткашларнинг онгини ҳар томонлама ошириш, ўтмишнинг қолдиқларини енгиш, коммунистик жамият кишиларини шакллантиришдир.

Партия ходимларини назарий жиҳатдан яхши тайёрлаш республиканинг бутун хўжалик ишига ижобий таъсир кўрсатаётганидан, партия маорифининг яхшиланишига, унинг ғоявий савиясини кўтаришга ҳам ёрдам бермоқда.

1960/61 ўқув йилида партия маорифининг тармоғи анча кенгайди. Ҳозирги вақтда республикада 300 мингга яқин коммунист ва партиясиз ўқимоқда. Тўғарак ва семинарлардаги тингловчилар сони ўтган йилдагига нисбатан 80 минг кишига кўпайди. Ҳозир партия маорифи системасида 100 минг партиясиз киши ўқитилмоқда. Бу ўтган йилдагидан икки марта кўп демакдир.

Иқтисодий билимларни пропаганда қилиш яна ҳам кенг қулоч ёйди. Масалан, ўтган ўқув йилида 1900 та иқтисодий тўғарак ва мактаб ишлаган бўлса, ҳозир бундай тўғарак ва мактаблар сони 4500 га, улардаги ўқувчилар сони 95 минг кишига етди. Бу, ўтган йилдагидан икки баравар кўп деган сўз.

Республиканинг партия ходимлари меҳнаткашларнинг сиёсий онгини оширишда анча актив иштирок этадиган бўлиб қолдилар. Янги ўқув йилида улардан кўплари семинар, тўғарак, сиёсий мактабларнинг раҳбарлари бўлиб ишламоқдалар, меҳнаткашлар олдида системали суратда доклад қилмоқдалар, лекция ўқимоқдалар, газета ва журналларга назарий мақолалар ёзмоқдалар. Марғилон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. Казимов пропагандистлар доимий семинарининг раҳбари. Хўжаобод район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Усмонов, Шеробод район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Муҳаммаднев, Ҳолдевонбек район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Маҳсумов ўз районларидаги иқтисод мактабларига бошчилик қилмоқдалар.

Партия комитетларининг секретарлари лекция пропагандасида тобора кўпроқ бевосита актив иштирок этмоқдалар. Кўпгина партия ходимлари учун меҳнаткашлар олдида мунтазам суратда доклад қилиш, нутқ сўзлаш биринчи даражали зарурат бўлиб қолмоқда. Тўғри, идеология иши билан тўғридан-тўғри алоқадор бўлмаган баъзи раҳбар ўртоқлар коммунистик қурилишнинг назарий ва амалий масалаларига доир лекцияларни ўзлари ҳали кам тайёрлайдилар, улар одатда партия комитетлари лекторлар группаларининг «тезислари»дан фойдаланадилар. Энди ҳар бир партия ходимининг ўзи лекцияни мустақил равишда тайёрлай олишни практика қилиниб яхши бўлур эди. Бу, партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимлари, уларнинг лекторлар группалари, сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари, сиёсий ва илмий билимларни тарқатиш жамиятларининг бўлимлари томонидан кадрларимизга методик ёрдам беришни кучайтиришни талаб қилади, албатта, Афсуски, биз ҳозиргача пропаганда ишини олиб бормайдиган раҳбар кадрларга жойли, қизиқарли суҳбат ўтказиш маҳоратини, аудиторияда ёрқин нутқ сўзлаш санъатини ўргатиш иши билан жуда кам шуғулланамиз.

Партия қурилишига доир масалалар назарий конференциялар муҳокамасига қўйилмайди деса бўлади. Ҳолбуки, масалан, «Танқид ва ўз-ўзини танқид — партиянинг ўткир қуроли» ёки «Ташкилотчилик иши — ҳар қандай ишда муваффақият қозонишнинг гарови» ёки «Ишонтириш — оммани тарбиялашнинг асосий методи» ва шунга ўхшаш темаларда ўтказилган конференциялар катта фойда келтиргани бўлур эди.

Биз партия ходимларининг олий ўқув юртларида, аспирантураларда сиртдан ўқишлари учун кенг имконият яратиб беришимиз керак. Бинобарин, бизнингча, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий Фанлар академиясида сиртқи бўлим очиш, шунингдек академия ҳузуридаги йиллик аспирантлар курсини тиклаш масалаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу курсда партия ходимлари ўзларининг илмий ишларини тугаллаш имкониятига эга бўлган бўлур эдилар.

Турмуш — мавжуд партия мактабларида кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашни талаб қилмоқда. Ўз бурчини нетказган, «ишни барбод қилган», яроқсиз ходимларни ўқишга юборишнинг практикаси кўп марта таҳқид қилинди. Афсуски, бу нарса ҳозир ҳам рўй бермоқда. Биз ўқишга энг муносиб, келажакда умидли ўртоқларни, ўз билимини тўлдиришга эҳтиёжи бўлган виждонли, софдил ходимларни юборишимиз керак.

Марксча-ленинча назарияни эгаллаш ва уни практикада қўллай билиш — ҳар бир партия, совет ва хўжалик аппарати ходимининг муваффақиятли фаолиятининг гарови эканлигини турмуш яққол кўрсатди.

Конкрет бир мисол кўрсатмоқчиман. Ўртоқ Ниёзметов Бухоро область, Шофирикон районида район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишларди. У 1957 йилда Тошкент олий партия мактабининг сиртқи бўлимига тингловчи бўлиб кирган эди. Лекин у ўқув планини бирон марта бажармади ва умуман ўз билимини ошириши ҳақида қайғирмади, ўз фаолиятида қўпол маъмуриятчиликка йўл қўйди ва ҳатто давлатни алдади, қишлоқ хўжалигига раҳбарликда катта хатоларга йўл қўйди ва шунинг учун ишдан олиб ташланди.

Бу — кимки ўқимаса ўсмай қолишини, турмуш талабидан орқада қолишини, амалий ишда мукаррар хатоларга йўл қўйишини, кўпинча бачканалик, маҳмадоналик позициясига ботиб қолишини яққол кўрсатувчи мисолдир.

Баъзи ходимларнинг ғоявий-назарий савияси пастлиги, сиёсий ва умумий маданий доирасинин чекланганлиги туфайли улар фаолиятида партиямиз руҳига ёт бўлган карьеризм, эгоистлик, партия ва давлат олдидаги бурчини бажаришга ҳалол муносабатда бўлмаслик каби салбий ҳоллар ҳам юз беради. Мана шундай салбий ҳолларн

ТАНИЛГАН КИШИ

ДЕПУТАТ — ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ

Денов районидаги Сталин номли колхоз раиси, СССР Олий Советининг депутати Бобораҳмат Юсупов қабул соатини вақтида бошлади. Депутат кабинетига Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг аъзоси Р. Бобоева кирди. У аввало, депутат ёрдами билан катта сигирхона қурилганлигини, 20 хўжаликка солинаётган уй-жойнинг тез орада битказиб берилганлигини айтди.

— Энди сайловчилар Сурхоб каналидан Какайди арнига сув чиқаришда ёрдам кўрсатишингизни сўрамоқдалар, — деб қўлидаги мактубни узатди.

— Сувни нимага сарф қилиш кўзда тутилган? — сўради хатни ўқий туриб депутат.

— Чигит экишдан ташқари, картошка, сабзавот, мевачилик учун бир минг гектар чўлни ишга солмоқчимиз.

— Бу яхши иш. Ўзларингиз тегишли ташкилотлар билан гаплашиб кўрмадингизми?

— Гаплашдик. Аммо иш пишмай турибди.

— Бўлмаса, икки-уч кундан кейин ўзим бораман, ўша ернинг ўзида гаплашамиз.

Сайловчи ҳайрлашиб, чиқиб кетди.

Сариосиё районлик сайловчи Нусрат Оқилов уй-жой масаласида келган экан, депутат район ижроия комитетига телефон қоқиб, ёрдам кўрсатилишини сўради, бу тўғрида алоҳида хат ёзиб, натижасидан хабардор этишни ҳам илтимос қилди.

Депутат яна бир неча сайловчи билан сўзлашгандан кейин қабул тугади. Депутат конвертларни бирикетин оча бошлади. Биринчи конвертда жарқўрғонлик сайловчилар ёзган хатда бундай дейилган.

«Ҳурматли депутатимиз Бобораҳмат Юсупов!

Сизга берган наказимизда қишки кино биноси солишни айтган эдик, бино солинди, 3 километр бузуқ йўлни тузатишни топширган эдик, тузатилди, болалар боғчаси қуриш керак эди, қурилди. Аммо, водопровод ўтказиш ва кенг экранли ёзлик кино биноси қуриш ҳақидаги талабимиз охирига етказилмай турибди. Жарқўрғон район марказида ишчи, хизматчилар кўп, бинобарин, шу наказимиз ҳам тезда амалга оширилса яхши бўларди».

Яна бир мактубда Термиз шаҳридаги сайловчилар ўз депутатидан шаҳардаги касалхонани кенгайтириш, рентген аппарати ўрнатиш, туғруқхона биноси қуриш тўғрисидаги талаблари кўпдан буён бажарилмаётганини айтиб, бу ишда ёрдам берилишини сўрагандар.

«Шўрчи район территориясида дарёнинг эни тор жойига кўприк солинса, — дейиларди бир хатда,— халқ хўжалигига катта фойдаси тегарди, бир неча областнинг чорваси турган Боботоққа бориш гоят осон бўларди, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ташиш ҳам қулайлашарди. Ўртоқ депутат! Бу ҳақда апрель ойида сиз ҳисоб берган йиғилишда ҳам айтилган эди. Шунинг натижаси нима бўлганини бизга билдирсангиз».

Депутат конвертларни очишда, ён дафтарига нималарнидир ёзишда давом этди...

Денов районидаги Сталин номли колхоз раиси, СССР Олий Советининг депутати Бобораҳмат Юсуповни Сурхондарё областида ҳамма танийди, кўп масалада унга мурожаат қилади. Бу депутат сайловчилари билан яқиндан алоқа қилади, тез-тез учрашиб, наказларни қандай бажараётганлиги тўғрисида ҳисоб бериб туради. Ўртоқ Бобораҳмат Юсупов халқ хизматини бажонидил ўтаб кетаётгани учун ҳам обрўйи баланд, халқ уни қадр-қиммат қилади.

Ҳ. ИКРОМОВ.

СОҒЛИҚҚА НИМА ЕТСИН!

Халқ соғлиғи — юрт бойлиги, деганлар ота-боболаримиз. Ҳа, танисиҳатликка нима етсин! Эл-юрт тинч бўлса, кишилар соғ-саломат бўлса — шу катта давлат. Бу ҳикматли сўзлар бечиз эмас, албатта. Улуғ Октябргача ўзбек элининг кўп азаматлари турли юқумли касалликлар қурбони бўларди. Ўзбекистон территориясида на бир катта касалхона, на поликлиника бор эди. Битта, яримта врач камбағални даволаш учун, отасининг хунини сўрарди. Ночор касал кинначи жодугарлар, оми табибларга боришга мажбур эди. Аксарият гўдаклар ёшини яшамасдан ҳаётдан кўз юмарди.

Ўзбек халқи бахтига улуғ революция тантана қилди, у ўзбек диёрига ҳам нур сочди. Жонажон партия, улуғ рус халқи туфайли Ўзбекистон гулаб-яшнади. Партия ва ҳукумат экономика ва маданиятни ривожлантириш билан бирликда халқ соғлиғи ҳақида ҳам катта ғамхўрлик қиляпти, илгари вабо, чечак, бўғмамохов касалликлари минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритган бўлса, эндиликда улардан деярли ном-нишон қолмади.

Кейинги қирқ уч йил мобайнида республикада соғлиқни сақлаш муассасаларининг тармоғи бекиёс ўсди. Чунончи, касалхоналардаги койкалар сони 1913 йиллагидан 27 баравар кўпайди. Врачлар сони 42 марта ошди. Аҳоли ўртасида ўлим кескин равишда камайди. Илгари 32 ёшга кириш қийин гап эди. Энди совет кишиларининг ўртача умри 68 ёшдан ошади.

Республикамизда медицина кадрлари тайёрлаш, медицина соҳасида илмий-тадқиқот ишлари яхши йўлга қўйилган. Тўрт олий медицина институти юқори малакали врачлар тайёрлаяпти, 8 илмий-текшириш институтининг илмий ходимлари инсон умрини узайтириш устида жон қуйдиряпти.

Ҳозир Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ишларининг тараққиёти жиҳатидан илғор Ғарб ва Шарқ мамлакатларидан ҳам ўзиб кетди.

Мен яқинда турист сифатида Покистонга бориб соғлиқни сақлаш ишлари билан танишдим. У ерда барча касалхона, поликлиника пуллик. Пуллик бўлганда ҳам жуда қиммат. Оддий ишчи ёки деҳқон осонликча ўз дардига даво тополмайди. Шифоланиш учун катта маблағ керак. Буни меҳнаткаш қаердан олсин. Медицина хизматининг ёмонлиги, тирикчиликнинг оғирлиги натижасида турли касалликлар кўп. Чунончи, йилига бир миллионга яқин киши сил касали билан оғрийди, булардан 200 минги ҳаётдан кўз юмади. 1958 йилда Шарқий Покистонда пайдо бўлган қора чечак 50-60 минг кишининг бошига етди.

Шунга қарамасдан Покистон ҳарбий мақсадларга медицинага нисбатан бир неча ўн баравар кўп маблағ сарфлаяпти. Бунинг устига чет эл капитали мамлакат экономикасини бўғяпти.

Ленинчи ташқи сиёсат принципларини оғишмай амалга ошираётган Совет давлати дахшатли касалликларга қарши курашда Покистон халқига беғараз ёрдам бермоқда. Профессор Пастухов бошчилигидаги бир группа совет медицина ходимлари қора чечак эпидемиясини тугатишда жонбозлик қилдилар.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ютуқларимиз катта. Лекин бу ҳали оз. Яна кўп меҳнат қилишимиз керак. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг аҳолига медицина хизматини яхшилаш чоралари ҳақида 1960 йил 20 январда чиқарган қарори ана шуни тақозо этади. Қарор медицина муассасалари ҳармоқларини кенгайтириш, илмий тадқиқотларни кучайтириш, медик кадрлар тайёрлашни яхшилаш, янги препаратлар тайёрлаш ва бошқаларга доир тадбирларни белгилаб берди. Бу қарор партия ва ҳукуматимизнинг халқ соғлиғи ҳақида қанчалик қайғураётганликларини кўрсатувчи яққол далилдир.

Биз, республика медицина ходимлари партия ва ҳукумат қарорларини амалга ошириш борасида анчагина ишлар қилдик ва аҳолининг соғ-саломатлиги учун бундан буён ҳам куч-ғайратимизни аямаймиз.

С. УМАРОВ,

республикада хизмат кўрсатган врач.

СОЛДАТЛИК САЛОМИ

Қорақалпоғистонлик йигитлар Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларига қарши курашда руслар ва бошқа миллат фарзандлари билан бир сафда туриб курашдилар. Қорақалпоғистон халқининг шонли фарзандлари ҳозир ҳам Совет Армияси сафида хизмат қилиб, жонажон Ватанимиз чегараларини сергаклик билан қўриқламоқдалар. Улар армия хизматида бўлсалар ҳам, ўз республикаларининг ҳаёти билан доимо қизиқадилар. Улар Қорақалпоғистонда чиқаётган газеталарни мунтазам ўқиб турадилар.

Яқинда Грузия ССРдаги ҳарбий бўлинмалардан бирида хизмат қилаётган солдатлардан Берди Ботиров, Тожибой Тўхтабоев, Деҳқонбой Уйхасов, Равиль Қосимов, Абдурайим Маткаримов, Оллоназар Зокиров ва бошқалар Хўжайли районидаги Ленин номли колхозга мактуб юборишдилар. Бу мактубда улар колхозда механик-ҳайдовчи бўлиб ишлаётган Жонгул Иброҳимова, Айтгул Оллобергенова, Ойим Ортиқбоева, Жонгул Жарилкаева, Биби Қазахова, Ойим Йўлдошеваларни қизғин табриклайдилар. Жангчилар улар ҳақидаги мақолани «Совет Қорақалпоғистони» газетасида ўқиган эдилар.

Қорақалпоғистонлик жангчилар бундай деб ёзадилар: «Ёш қорақалпоқ қизларининг пахта териш комбайнларида муваффақиятли ишлаганликларини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик, илгари оддий қорақалпоқ қизлари бу нарсани хаёлларига ҳам келтиролмас эдилар. Биз «ХВС -1,2» агрегатида 200 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тергаг Жонгул Иброҳимованинг жасоратига қойил қолдик».

Совет жангчилари орденли Қорақалпоғистон меҳнаткашларига ана шундай янги муваффақиятлар тилайдилар ва ўз маҳоратларини ошириб, Ватанимиз чегараларини сергаклик билан қўриқлашга ваъда берадилар.

И. МАДГАЗИН.

РАССОМ КОЛХОЗДА

Талантли рассом А. Виннер Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг йўлланмаси билан Сурхондарё область колхозларида бўлиб, ижоднинг чинакам илҳом манбаини топди. Рассом Шўрчи районидаги Жданов номли колхозда яшаб, илғор чўпонлар, ажойиб пахта усталари ҳақида ёрқин полотнолар яратди. Донгдор чўпонлар — Нормурод Довонов, Янгибой Эшматов коммунистик меҳнат бригадаси деган юксак номга мушарраф бўлган пахтачилик бригадасининг аъзолари Зарҳол Назирова, Турсун Абдуллаева, тажрибали пахтакор Тошмурод Зоиров ва бошқаларнинг портретларини чизди. Шунингдек, унинг «Хирмонда» полотноси ҳам яхши чиққан.

Ш. СИДДИҚОВ,

«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

ШУДГОРЛАШ ТУГАЛЛАНДИ

Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхози (раиси иккі марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хва) ўтган йили пахта тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди. Давлатга пландагидан анча кўп пахта сотилди.

Колхознинг меҳнатсевар аъзолари бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил ишламоқдалар. Сифатли шудгор мўл ҳосил гарови эканлигини яхши тушунган азаматлар шудгорлашни районда биринчи бўлиб тамомладилар. 1425 гектар пахта майдони ва 600 гектар бошқа қишлоқ хўжалиқ экинлари ерлари сифатли шудгорлаб қўйилди. Раҳим Умаров, Эркин Исматов, Турғун Сафаров ва Қорабой Исроилов каби тракторчиларнинг ҳар бири 250-290 гектардан ерни ҳайдаб, ўз мажбуриятларини ошириб бажардилар.

Ҳозир колхоз даласида кузги-қишки ишлар қизғин давом этмоқда. Мўл ҳосил олишнинг муҳим шартларидан бири — маҳаллий ўғит тўплаш қизитиб юборилган.

Аравакаш ва шоферлар далага маҳаллий ўғит ташиб чиқаришни мусобақа асосида ташкил этганлар. Социалистик мусобақада Турдибой Рисбоев ва Турсун Аҳмедов каби аравакашлар олдинда бормоқдалар.

Т. АШУРОВ,

М. ХАНАЕВ.

ЯНГИ ПОСЁЛКАЛАР

Кейинги йилларда Қуйбишев районидаги «Коммунизм» колхози жойлашган Зодиён қишлоғининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди, қишлоқни қайта қуриш бош плани асосида янги посёлка қад кўтарди. Посёлкада еттита катта йўл қурилиб, шу йўлларнинг икки четида планли бинолар бунёдга келтирилди. Посёлка марказида қурилган 700 кишилик қишлик клуб, ёзлик кинотеатр, универсал магазин, чойхона, ҳаммом, болалар боғча ва яслилари сингари янги кўркам бинолар кўзни қувонтиради. Қисқа фурсат ичида қишлоқдаги эски бинолар бузилиб, колхозчилар учун 500 та икки-уч хонали уйлар қуриб берилди.

Шунингдек Бағдод районидаги «Победа» колхоз қишлоғи ҳам қайта қурилмоқда. Бу ерда ўтган йили маданий-маиший бинолардан ташқари колхозчилар учун 70 та уй-жой қурилди. Шу районнинг Марказий Фарғона ерларида янги ташкил этилган Ленин номли колхозида 1960 йил давомида 119 та уй-жой, магазин, медицина пункти, алоқа бўлими учун бинолар қурилди ва водопровод келтирилди. Янги қурилаётган мактаб, ҳаммом, болалар боғчи бинолари ҳам битай деб қолди.

У. МАДАМИНОВ.



Қўқондаги «Большевик» механика заводида янги пайвандлаш автоматлари ўзлаштирилмоқда. Янги автоматлар иш унумини ошириш билан бирга, пайвандлаш сифатини ҳам яхшиламоқда. Шунингдек, новаторлар ташаббуси билан заводда металлни пропан-бутан гази билан қиркиш бошланди. СУРАТДА: ҳалқасимон чокларни пайвандлайдиган автомат. Автомат олдида новатор-оператор В. И. СИЛКИН.

Г. Графкин фотоси.

Дўстона ёрдам

Шу кунларда чет эл Шарқида оламшумул аҳамиятга эга бўлган воқеалар рўй бермоқда. Айниқса, иккинчи жаҳон урушидан кейин авж олиб кетган халқларнинг миллий-озодлик ҳаракати тазиқи остида империализмнинг шармандали мустамлакачилик системаси емирилмоқда. 1960 йилнинг ўзидагина Африкадаги ўн олтита мамлакат мустақилликка эришди.

Бутун инсониятнинг тахминан учдан бир қисми яшаётган жуда катта районлар — Африка ва Осиёдаги кўпчилик мамлакатлар, Латин Америкаси капиталистик мустамлакачиларнинг айби билан иқтисодий қолоқликдан ҳали ҳам қутила олмаётирлар.

1957 йилда АҚШ да аҳоли жон бошига ўртача йиллик даромад 1453 доллар, Англияда 773 доллар бўлгани ҳолда, Ҳиндистонда бу даромад 57 доллар, Филиппинда 44 доллар ва Индонезияда 25 доллар эди.

Латин Америкасида жами аҳолиси қарийб 200 миллион кишини ва территорияси деярли 21 миллион квадрат-километри ташкил этган 20 республика мавжуддир. Жуда кўп табиий бойликларга, қулай иқлим шароитига эга бўлган бу мамлакатлар ҳозир ҳам қашшоқ, қолоқ деҳқончилик мамлакатлари бўлиб қолмоқдалар. Бутун Латин Америкасида ҳаммаси бўлиб 3 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарилади, бу эса Чехословакияда ишлаб чиқарилаётган пўлатнинг атиги яримга тўғри келади.

Сиёсий мустақилликка эришган мамлакатлар ўз олдиларига ҳозирги замон фани ва техникаси базасида кўп тармоқли экономикани вужудга келтириш йўли билан иқтисодий мустақилликка эришиш вазифасини қўймоқдалар.

Ғарбдаги индустриал давлатлар нафрат билан «қолоқ» халқлар деб атаётган халқларни шафқатсиз эксплуатация қилиш йўли билан ўз қудратли саноатларини барпо этдилар. Улар бойлик орттириш мақсадида беш аср давомида Шарқдаги давлатларни хонавайрон қилдилар, қадимги цивилизацияни барбод этдилар, халқларни эздилар. Бу давлатларнинг баъзилари ана шу мамлакатлардаги капиталлари эвазига мисли кўрилмаган катта фойда олмоқдалар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида Н. С. Хрушчев айтганидек, ана шу бойликларнинг ақалли бир қисми мазлум халқларнинг экономика ва маданиятини ривожлантириш учун, уларнинг турмуш даражасини кўтариш учун ёрдам тариқасида шу халқларга қайтариб берилганида қонуний ва адолатли иш қилинган бўлур эди.

Фактлар шуни кўрсатдики, империалистлар иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларга ёрдам кўрсатишни ўзларининг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий мақсадларига батамом бўйсундирганлар. Агар АҚШнинг баъзи мамлакатларга «ёрдам» тариқасида қилаётган харажатлари таққослаб кўрилса, бу «ёрдам» ана шу мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан қолоқлик даражаси ва аҳолисининг сонига қараб эмас, балки уларнинг ҳарбий соҳада АҚШ билан қанчалик боғланганликларига қараб белгиланаётгани аён бўлади. Масалан, АҚШ ҳукумати 1945-1946 йилларда Ғарбий Европадаги империалистик давлатларга ва Японияга қуролланиш учун ва «ёрдам» тариқасида 46,4 миллиард доллар, Чан Кай Ши тўдасига, Жанубий Кореяга, Покистон, Туркия, Филиппинга 5,7 миллиард доллар сарфлади. Вақоланки, бир миллиарддан кўпроқ киши яшайдиган Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Африка ва Латин Америкасидаги кам тараққий этган 75 мамлакатга «иқтисодий ёрдам» тариқасида шу вақт ичида атиги 3,3 миллиард доллар сарфланди.

Америка Қўшма Штатлари «Америка моллариҳ сотиб олиш» шарти билан қарз беради. Бунда у Америка моллари учун жаҳон бозоридаги нархларга қараганда 30-40 процент ортиқ ҳақ тўлашга мажбур этади. Бу «ёрдам» кўп писандалар билан берилади. Бундай «ёрдам» кўпинча кам тараққий этган мамлакатларнинг ички ва ташқи иқтисодий сиёсатини деярли батамом контроль қилишга олиб келади. Бу ҳол кам тараққий этган мамлакатларнинг аҳволини янада оғирлаштиради.

Социалистик давлатлар билан собиқ мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатлар ўртасида тамомила бошқача муносабатлар ўрнатилди. Территориал бутунликни ва ҳар бир давлатнинг суверенитетини ҳурмат қилиш, ҳужум қилмаслик, иқтисодий, сиёсий ва идеологик характердаги ҳар қандай важлар бўйича бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, тинч-тотув яшаш принциплари Совет Иттифоқи ва социалистик лагердаги бошқа мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишининг асосий принципидир. Коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгаши қабул қилган Баёнотда кўрсатиб ўтиладики, «Социализм мамлакатлари — озодликка чиқиш учун курашаётган ёки империалистик асорат ва зулмдан эндиликда қутилган халқларнинг самимий ва содиқ дўстларидирлар... Улар шу мамлакатларнинг тараққиёт йўлида ривожланишига, ўз юртида саноат вужудга келтиришига, миллий экономикани ривожлантириши ва мустаҳкамлашига, ўз кадрларини тайёрлашига ҳар томонлама ёрдам ва мадад бермоқдалар, бутун дунёда тинчлик учун, империалистик агрессияга қарши курашда улар билан ҳамкорлик қилмоқдалар».

Совет ҳукумати Ленин васиятларига амал қилиб, кам тараққий этган мамлакатларга жаҳонда биринчи бўлиб иқтисодий ёрдам кўрсата бошлади. Совет Иттифоқи социалистик индустриаштириш йилларидаёқ Қайсери ва Назилли шаҳарларида иккита йирик тўқимачилик комбинатини қуриш учун Туркияга қарз берди. Афғонистон, Эрон, Финляндия ва бошқа мамлакатларнинг экономикасини ривожлантиришга кўмаклашди.

Уруш йилларида ўз экономикасига жуда катта зарар етказилганлигига қарамай, СССР уруш тамом бўлиши билан ёш социалистик давлатларга ёрдам берди. 1955 йилдан бошлаб яъни экономикамиз мустаҳкамлангандан кейин эса Осиё ва Африкадаги социалистик бўлмаган давлатларга ҳам ёрдам бера бошлади.

СССР кўмаги билан Осиёда энг йирик Бхилаи (Ҳиндистон) металлургия заводи қурилмоқда. Бу заводнинг қуввати йилига 2,5 миллион тонна пўлат ишлаб чиқаришгача етказилади. Ҳозирги вақтда Бхилаида асосий цех ва агрегатлар ишлаб турибди. Бу цех ва агрегатлар кокс, чўян, пўлат, прокат бермоқда, электр энергияси ҳосил қилмоқда, олтингугурт кислотаси, смола ва қишлоқ хўжалиги учун ўғит ишлаб чиқармоқда. Совет Иттифоқи ёрдами билан Ҳиндистонда оғир машинасозлик ва кон-шахта машина-ускуналари заводлари, нефть тозалаш заводи, тошкўмир, ойна саноати корхоналари, дориворлар, медицина асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган корхона ва кучли тепловой электростанциялари қуришга тайёргарлик кўрилмоқда.

Бирлашган Араб Республикасида юздан кўпроқ ҳар хил объектларни қуриш ва мавжудларини кенгайтириш, шу жумладан 6 та металлургия ва 6 та машинасозлик, 12 та нефть ва кимё заводлари, озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати корхоналари, кемасозлик корхонаси қуриш кўзда тутилади.

Афғонистонда совет мутахассисларининг иштироки билан қисқа вақт ичида 15 га ҳар хил объект, шу жумладан йирик авторемонт заводи, иккита элеватор ва бошқа шу каби иншоотлар қурилди ҳамда фойдаланишга топширилди.

Ироқ Республикасида СССР ёрдами билан 50 дан ортиқ янги объект қурилади. СССР Цейлон, Индонезия, Яман, Гвинея Республикасига ва Шарқдаги бошқа мамлакатларга ҳам талай миқдорда иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатмоқда.

Совет Иттифоқи бу ёрдамни асосан иқтисодий ва техника ҳамкорлиги юзасидан икки қўлдама ҳукуматлараро битимлар асосида бермоқда. Бунда СССР ўзи қурган корхоналардан келадиган фойдадан олмайди, бошқа мамлакатларнинг миллий бойликларига даҳл қилмайди. Масалан, давлатимиз Осиё ва Африкадаги мамлакатларда нефть манбаларини қидириб топиш ва бу манбалардан фойдаланишни ташкил этишда ёрдам бера туриб, бунда фақат қилинган ишлар ва ускуналарнинг ҳақинигина олади.

Совет Иттифоқи Шарқдаги мамлакатлар билан ташқи савдо миқёсини ҳам тобора кенгайтирмоқда. 1953 йилдан 1959 йилгача бўлган даврда СССР нинг кам тараққий этган мамлакатлар билан савдо обороти 8 баравар кўпайди, 1953 йилдан буён Ҳиндистон билан савдо обороти 44 баравар ортди. Узоқ муддатли савдо битимлари тузиш тобора кенг қўлланилмоқда. Бундай битимлар ўзаро фойдали, барқарор ва узоқ давом этадиган иқтисодий алоқаларни таъминлайди.

Кам тараққий этган мамлакатларнинг социалистик лагерь мамлакатлари билан илмий-техника ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бормоқда. Консультациялар бериш ва лекциялар ўқиш учун Совет Иттифоқининг йирик мутахассислари кўпгина мамлакатларга юборилмоқда, бир қанча кам тараққий этган мамлакатларнинг инженерлари, техниклари, ишчилари Совет Иттифоқида ўқимоқда ва саноат корхоналарида ўз малакасини оширмоқда. Москвада Халқлар дўстлиги университетининг очилганлиги кам тараққий этган мамлакатлар учун илмий ва техника кадрлари тайёрлаш ишига янада кўпроқ даражада ёрдам беришга СССР нинг тайёр эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Совет Иттифоқи иқтисодий қудратининг ўсиши кам тараққий этган мамлакатларга молия-иқтисодий ва техника ёрдамини бериш имкониятини кенгайтиради. Бу эса ана шу мамлакатларга иқтисодий тараққиёт соҳасидаги планларини муваффақиятли амалга оширишларига ёрдам беради, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун, империализмга қарши курашда уларнинг позициясини мустаҳкамлайди.

А. МАМЕДОВ,

Иқтисод фанлари кандидати.

ШУ КУННИНГ ТАЛАБИ

Бағдод район партия комитети кейинги вақтларда меҳнаткашлар, хусусан раҳбар ходимлар орасида иқтисодий билимларни кенг пропаганда қилишга жиддий эътибор бераётир. Райондаги ташкилотлар, муассасалар, колхоз бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида бу йил қишлоқ хўжалик конкрет экономикасини ўрганиш юзасидан 122 тўгарак ташкил қилинди. Тўгаракларда машғулотларни агрономлар, зоотехниклар, экономистлар ва бошқа мутахассислар олиб бормоқдалар.

Машғулотлар даврида етти йилликнинг учинчи босқичида ҳар бир хўжалик олдида турган конкрет вазифалар, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш йўли билан маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва унинг таннархини камайтириш, хўжаликлар экономикасини мустаҳкамлаш ва бошқа тадбирлар пухта ўрганилмоқда. Тўгаракларнинг қатнашчилари илғор хўжаликларга бориб ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши билан муфассал танишмоқдалар. Шу каби машғулотлар вақтида ишлаб чиқаришга доир ҳужжатли кинофильмлар намойиш қилинаяпти.

К. ТУЙЧИЕВ.

15,5 минг квадратметр уй-жой

ҚЎҚОН, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Шаҳар бинокорлари 1960 йил планини муддатидан илгари адо этиб, 13 минг 688 квадратметр уй-жой қуриб, фойдаланишга топширдилар. Уй-жой биноларини кўплаб қуришда «УНР—705» қурилиш конторасиҳ алоҳида намуна кўрсатди.

Шаҳар саноат корхоналарининг маблағлари ҳисобига 1946 квадратметр уй-жой қурилди. Буларнинг аксарияти ҳозирги замон типида қурилган кўп қаватли биноларда,

Кубадан қўлингни торт!

ГАВАНА, 9 январь. (ТАСС). Куба империалистларнинг қуролли интервенция қилиш хавфига зарба беришга ўзини сафарбар қилиб шай бўлиб турибди. Мамлакат халқи қўлига қурол олиб, ҳар қандай ивогарликка зарба беришга тайёр бўлиб турибди.

Қўшма Штатлар Кариб денгизида 150 кемаси, шу жумладан, атом сув ости кемаларининг иштироки билан катта ҳарбий маневрлар ўтказишга қарор қилганлиги; Гуантанамодаги Америка ҳарбий-денгиз базасида қуролли контрреволюцион шайкалар эўр бериб кўпайтирилаётганлиги ва тайёрланаётганлиги; шимолдан учиб келган самолётлар билан Америкада ишлаб чиқарилган қурол-яроғлар ва ҳарбий анжомлар Пинар-Дель-Рио ва Лас-Вильяс вилоятларига кўплаб юборилаётганлиги; Гаванада қамоққа олинган террорчилар Америка агентларидан олинган портловчи моддаларнинг ва ҳарбий материалларнинг катта запасларини яшириб қўйганликлари аниқланганлиги, — мана шуларнинг ҳаммаси ва бошқа кўп фактлар Куба революцион ҳукуматининг империалистларнинг ҳарбий куч ёрдами билан революцияни бўғиб ташлаш планларини фош қилиб айтган гаплари тўғри эканлигини таъкидламоқда. революцион ҳукуматнинг жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилиб, Кубани ҳимоя қилишга ва қувватлашга чақирганлиги ўз вақтида кўрилган муҳим чора эканлигини уқтирмоқда.

Бутун ер юзидаги тинчликсевар халқлар бу чақириққа якдиллик билан жавоб бериб, «Кубадан қўлингни торт!», деб хитоб қилдилар. Куба революцияси билан бирдамлик фикрларини ифодаловчи баёнотлар эълон қилинаётганлиги ва намойишлар бўлаётганлиги тўғрисида чет эллардан олинган хабарлар билан ҳозир Гавана газеталари тўлиб чиқмоқда. Латин Америкаси, Европа, Осиё мамлакатларидан ва жаҳоннинг ҳамма томонидан Гаванага келаётган телеграммаларда халқлар 1954 йилда Гватемалада бўлган воқеаларнинг Кубада такрорланишига йўл қўймаслик чораларини кўраётганлари айтилмоқда.

Гаванага келган Чили профессори Сесар Годой Ўррутиа бундай деди: «Қўшма Штатлар Кубага қарши агрессия қилишдан олдин ҳар томонлама ўйлаб кўриши лозим, чунки бизнинг халқларимиз бу агрессияга бутун Латин Америкасига қарши қилинган агрессия деб баҳо беради». «Биз шу нарсага аминмизки, — деди профессор, — давлат департаменти ва АҚШ монополиялари Гватемалага нисбатан қилган қабиҳликларини такрорлашга ботина олмайдилар. Бунинг сабаби шуки, биринчидан, улар Куба халқини ғафлатда қолдира олмайдилар, қубалик ҳар бир киши ўз ватанини ғалаба қозонгунча ҳимоя қилишга тайёр бўлиб турган солдат эканлигига ишондик. Иккинчидан, жаҳон миқёсидаги кучларнинг нисбати эндиликда бутунлай бошқача бўлиб қолди: энди империализм ташаббусни ўз қўлида ушлаб турган куч эмас; бундан ташқари, халқларнинг кучини, тинчлик тарафдорларининг кучини, миллий-озодлик ҳаракатининг кучини назарда тутиш керак. Бу куч жаҳонда мустамлакачиликка қарши кураша, халқларнинг тараққиёт йўлидан олга боришида ўзини кўрсатмоқда».

Эквадор парламентининг революцион Кубага келган депутати Лумс Салас Манчего бундай деди: «Қўшма Штатлар Куба сингари суверен ва эркин мамлакатнинг ички ишларига аралашмаслиги лозим. Агар Қўшма Штатлар шунга қарамай, бунинг тескарисини қилар экан, бу билан ўзини-ўзи ўлдириш йўлига кирган бўлади. Бундай ҳолда ҳамма халқлар, шу жумладан, менинг мамлакатим ҳам қардош Куба халқининг одилона ва суверен ҳуқуқларини ҳатто заррача бўлса ҳам поймол қилишга йўл қўймаслик учун қаттиқ, нескин ва мардонавор йўл тутишга мажбур бўлади».

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Жеймс Эндикотт бошчилигида Куба революциясининг икки йиллиги байрамида қатнашмоқ учун Гаванага келган делегацияси баёнот эълон қилди. Баёнотда айтиладики, империалистларнинг агрессия сиёсати Кубанинг тинч ҳаёт кечириш ҳуқуқигагина таҳдид солиб қолмасдан, шу билан бирга, ялпи тинчликка ҳам таҳдид солмоқда. Ялпи тинчликка путур етказадиган оқибатлар учун бутун жавобгарлик АҚШ сиёсатига раҳбарлик қилувчи доиралар устига тушади. Куба халқининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш айни вақтда ялпи тинчликни ҳам ҳимоя қилиш демакдир.

Бельгияда бошланган иш ташлаш тобора кучаймоқда. Заводлар ишламай қўйди. Шаҳарда транспорт йўқ, автомашиналар кўринмайди. Брюссель, Льеж, Антверпен ва бошқа шаҳарларда оммавий намойишлар ўтказилмоқда. СУРАТДА: Шарлеруа шаҳрида бўлиб ўтган шахтёрлар намойиши.

Кейстон агентлиги фотоси.

СССР БИЛАН АФҒОНИСТОН ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК МУНОСАБАТЛАРИ—ТИНЧЛИК ИШИГА ҚЎШИЛГАН ҲИССАДИР

ТАСС мухбирининг саволларига сардор М. НАИМнинг берган жавоблари

□ □

КОБИЛ, 8 январь. (ТАСС). Бизнинг мухбиримиз Афғонистон бош министрининг иккинчи ўринбосари ва Афғонистон ташқи ишлар министри сардор Муҳаммад Наим ҳузурида бўлди.

Ўтган 1960 йилда Совет-Афғонистон муносабатларида диққатга сазовор ишлардан нималар бўлди, деган саволга министр бундай деди: ҳар иккала қўшни мамлакат ўртасида дўстлик муносабатлари давом эттирилганлиги диққатга сазовор бўлибгина қолмай, шу билан бирга бу муносабатлар ҳар иккала мамлакат ҳаётининг ҳамма соҳаларида чуқурлашди ва кенгайди. Бу муносабатлар Афғонистоннинг тараққиётига ёрдам берди. Биз, деб давом қилди Муҳаммад Наим, мамлакатларимиз ўртасида ана шундай муносабатлар мавжуд эканлигидан мамнунмиз ҳамда бир-биримизни ҳурмат қилишга ва ҳамкорликка асосланган бу муносабатлар 1961 йилда тагин ҳам кўпроқ яхшиланади, деб умид қиламиз.

Бетарафлик ва жаҳон халқлари ўртасида дўстлик муносабатлари ўрнатиш ва бу муносабатларни ривожлантириш сиёсатини ўтказаётган Афғонистон ҳукумати бу сиёсат бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб умид қилади. Афғонистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик муносабатларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган ҳиссадир.

1961 йилда энг яхши тилакларингиз нималардан иборат, деган саволга жавоб бериб, М. Наим бундай деди: Афғонистон ҳукумати бутун дунёда тинчлик ўрнатиш учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун ва совуқ урушга ҳотима бериш учун ҳамиша интилиб келди. Шу боисдан давомли ва барқарор тинчлик ўрнатиш 1961 йилдаги тилагимиздир. Биз қуролсизланиш тарафдоримиз. Бизнинг тилагимиз шундан иборатки, СССР ва АҚШ сингари буюк давлатлар қуролсизланиш проблемасини ҳал қилишнинг самарали негизини топа олсинлар. Биз буни табриклаймиз ва Совет Иттифоқи ҳукумати ҳамда АҚШнинг янги ҳукумати инсониятни тўлқинлантираётган ғоят муҳим халқаро проблемаларни ҳал қилишнинг умумий нуқтаи назарини топа оладилар, деб ҳисоблаймиз.

Саҳройи Кабирда ўзининг атом бомбасини учинчи марта портлатган Франция ҳукуматининг хатти-ҳаракати ҳақида берилган саволга ташқи ишлар министри қуйидаги жавобни берди: Афғонистон ҳукумати нуқтаи назаридан атом бомбасини ҳар қандай портлатишлар номуносиб ишдир. Шу сабабдан биз Франциянинг атом бомбасини портлатганлиги халқаро кескинликни юмшатишга ёрдам бермайди, деб ҳисоблаймиз. Афғонистон ҳукумати тинчлик тарафдори бўлиб, ядро қуроли синовларини тўхтатиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлайди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевнинг мустамлака мамлакатлар ва халқларига мустақиллик бериш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг декларацияси юзасидан берган баёноти ҳақида гапириб, сардор Муҳаммад Наим бундай деди: Афғонистон ҳукумати СССР Министрлар Совети Раиси Хрушчев жаноблари-нинг мустамлакачилик ва мустамлака системасини тугатиш ҳақидаги баёнотини табриклайди. Биз бу баёнотни Осиё мамлакати сифатида ва бир неча асрлар давомида мустамлака зулми остида қолиб келган мамлакат сифатида табриклаймиз. Биз мустамлака системасини йўқотишга қаратилган ҳар бир тадбирни табриклаймиз.

Конго, Лаос ва Куба халқларининг ўз озодлиги ҳамда мустақиллиги йўлида олиб бораётган кураши ҳақида нималарни айта оласиз, деган саволга жавоб бериб, ташқи ишлар министри қуйидагиларни уқтириб ўтди. Биз ҳар қандай халқнинг озодлик ва мустақиллик йўлидаги курашини қўллаб-қувватлай берамиз ва бу курашни ҳақли кураш, деб ҳисоблаймиз. Биз Кубадаги аҳвол ташқаридан аралашилмасдан ҳал қилиниши лозим, деб ҳам ҳисоблаймиз. Конгодаги аҳвол Бельгия ҳукуматининг аралашуви натижасида кескинлашди ва чуқурлашди. Биз бу аҳвол БМТ ёрдами билан ҳал қилиниши лозим, деб ҳисоблаймиз. Лаосдаги аҳвол ҳам ер куррасининг шу қисмидаги тинчлик учун ва умуман бутун дунёдаги тинчлик учун таҳдид солмоқда. Бироқ биз омилкор комиссия бу проблемани ижобий тарзда ҳал қилади, деб умид қиламиз.

Луан — Прабанда чет эл қўшинлари

ХАНОЙ, 9 январь. (ТАСС). Фуми Носаван—Бун Ум шайкалари томонидан контроль қилинаётган Луан-Прабанда ҳозир Таиланд солдатларининг икки ротаси, Жанубий Вьетнамнинг бир артиллерия батареяси ва чанкайшичиларнинг бир ротаси бор, деб хабар беради Вьетнам информация агентлиги «Патет-Лао овози» радиосининг ахборотига асосланиб.

Радионинг кўрсатишича, ана шу ҳамма чет эл қўшинларига Америка офицерлари қўмондонлик қилмоқдалар. Бу чет эл солдатлари Фуми Носаван—Бун Ум тўдаси қўшинларининг формасини кийиб юрибдилар. Лаос қонуний ҳукуматининг қўшинлари ва Патет-Лаонинг жанговар қисмлари Луан-Прабан теварагида мустаҳкам ҳалқа ҳосил қилганларидан кейин ана шу чет эл қўшинлари шаҳарга келтирилди.

СССР ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИДА

МОСКВА, 9 январь. (ТАСС). СССР Журналистлар союзи правлениеси секретариатининг бугун бўлган мажлисида 14 февралда СССР Журналистлар союзи правлениесининг иккинчи пленумини ўтказишга қарор қилинди.

Мажлисда ижодий комиссияларнинг планлари ҳам кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Шу йил февраль ойида «Радиоэшиттириш ва телевиденеда репортаж» деган темада Бутуниттифоқ ижодий семинарини ўтказиш. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотининг 40 йиллигига тайёргарлик кўришда журналистларнинг иштироки масалалари ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

ИНДОНЕЗИЯ МИЛЛИЙ ФРОНТИ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

ЖАКАРТА, 9 январь. (ТАСС). Президент Сукарно Бали оролида мамлакатнинг энг йирик сиёсий партиялари (Миллий, «Нахдатул уламо», Коммунистик партиялар) раҳбарлари—Састроамижойо, Идам Халид, Айдит билан, қуролли кучлар вакили полковник Вилужо ва олий консультатив кенгаш раисининг ўринбосари Руслан Абдулгани билан биргаликда миллий фронт тузишга боғлиқ бўлган масалалар юзасидан кенгаш ўтказди.

Бу кенгаш натижасида миллий фронт раҳбар органларининг состави тўғрисида қарор қабул қилинди. Президент Сукарно миллий фронтнинг раиси, министр Судибио бош секретари бўлди.

Ҳукумат секретариати вакилининг хабар беришича, 20 январда миллий фронт раҳбарларининг қасамёд қилиш маросими бўлади.

Бутун Ҳиндистон қишлоқ хўжалик виставкаси очилди

ДЕҲЛИ, 9 январь. (ТАСС). Калькуттада кеча биринчи бутун Ҳиндистон миллий қишлоқ хўжалик виставкасини тантанали очиш маросими бўлди. Виставкада қатнашиш учун таклиф қилинган Совет Иттифоқининг павильони энг катта павильонларнинг биридир. Виставкани очиш маросимига тўпланган жуда кўп меҳмонларни Ҳиндистон вице-президенти С. Радхакришнан табриклаб, нутқ сўзлади.

ФРАНЦИЯДА НАРХЛАР ОШДИ

ПАРИЖ, 9 январь. (ТАСС). Францияда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур буюмлар нархининг ўсиши давом этмоқда.

«Юманите-Диманш» газетасининг хабар беришича янги 1961 йилнинг бошида озиқ-овқат маҳсулотларидан 17 хилининг нархи ошди. Сабзавот ва мевалар, шунингдек сариқ ёғнинг айрим турлари, гўшт ва ун маҳсулотларининг нархи ошди.

Жазоирдаги референдум натижалари

ПАРИЖ, 9 январь. (ТАСС). Бугун Франциянинг конституцион кенгаши Жазоирда ўтказилган референдум вақтида овоз беришнинг расмий натижаларини эълон қилди. Рўйхатга олинган 4.414.636 сайловчидан 1.747.529 киши (яъни салкам 40 проценти) қўйилган саволга «ҳа» деб овоз берди, 782.056 киши эса, «йўқ» деб овоз берди.

Конституцион кенгашнинг маълумотларига қараганда, овоз беришда 2. 639. 494 киши қатнашган.

ФРАНЦИЯДАГИ РЕФЕРЕНДУМ НАТИЖАЛАРИ

ПАРИЖ, 9 январь. (ТАСС). Бугун кечаси Франция Конституцион кенгашининг раиси Леон Ноэль Жазоирни бошқаришни ташкил қилиш ҳақида ҳукумат қонун лойиҳаси юзасидан референдумда метрополия бўйича овоз беришнинг дастлабки маълумотларини расмий равишда эълон қилди.

Рўйхатга олинган сайловчиларнинг 26.847.953 умумий сонидан овоз беришда 20.809.029 киши қатнашган. Жазоирни бошқаришни ташкил этиш ҳақидаги ҳукумат қонун лойиҳасини ёқлаб, 15.198.711 овоз берилди. 4.996.322 француз бу лойиҳага қарши овоз берди.

Конституцион кенгаш раисининг айтишича, ҳамма сайлов комиссиялари ўз мулоҳазаларини билдиргач, бир неча кундан кейин охирги якунлар расмий равишда эълон қилинади.

Жазоирда уч кунлик овоз беришнинг дастлабки натижалари бугун кундузи, маҳаллий вақт билан соат 10.30 да Конституцион кенгаш йиғилганидан кейин маълум бўлиши керак. Кечаси соат 2 даги маълумотларга қараганда, Жазоирда ҳукумат қонун лойиҳаси учун 925.637 овоз берилган. Бу лойиҳага қарши 304.560 овоз берилган. Жазоирдан олинган маълумотларга қараганда, араб аҳолисининг асосий кўпчилиги Жазоирни озод қилиш миллий фронтининг чақиригига жавобан, бу референдумни бойкот қилди.

Мобутунинг вақти тугади

ЛОНДОН, 9 январь. (ТАСС). Англияда чиқадиган «Гардиан» газетаси бугун қўйидагиларни ёзади: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конгодаги қўмондонлиги олдига уч вазифани, яъни Лумумбани қутқариш, Мобутуни четлатиш ва парламентни мумкин қадар тезроқ чақириш вазифасини қўйиш зарур.

Патрис Лумумба қамоқдан бўшатилмагунча, деб ёзади газета, Конго масаласини ҳал қилиб бўлмайди. Лумумба Конгонинг бош министри бўлишга ҳақиқатан ҳам ҳақли эканлиги очиқ кўриниб турибди. Лумумба ҳозирги вақтда ҳокимият тепасида турганлиги ёки турмаганлигидан қатъи назар, у, мустамлакачиликка қарши курашнинг танилган символи бўлиб қолди.

Мобутунинг ҳукуматни идора килиши Конгога тинчлик келтирмади, деб ёзади «Гардиан» газетаси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Мобутуга сенинг вақтинг тугади, деб айтиши лозим бўлган пайт келди. Агар у ўз ҳоҳиши билан кетмаса, у ҳолда уни четлатиш учун, эҳтимолки, куч қўлланишга тўғри келиб қолар.

ТИАРЕТДА ҚОНЛИ КУРАШ

ПАРИЖ, 8 январь. (ТАСС). Беш киши ўлдирилган ва 30 киши ярадор қилинган, — Франс Пресс агентлиги мухбирининг таъкидлашича, Жазоирнинг Тиарет шаҳридаги референдумнинг учинчи куни қонли якуни шундан иборат бўлган. Бу шаҳарнинг араб аҳолиси бугун Жазоирни озод қилиш миллий фронти шиорини қўллаб-қувватлаб намойиш ўтказди. Франция «тартиб ўрнатиш кучлари» бу намойишни ўққа тутди ва 15 жазоирликни қамоққа олди.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

11 ЯНВАРДА

19.00 — **Учинчи чорак бошланди** (ўқитувчи суҳбати). 19.10 — **«Бегона уйда»** (киноҳикоя). 19.20 — **Сўнгги ахборот.** 19.40 — **Саноат ходимлари учун** (ўзбек тилида). 20.00 — **СССР халқлари куйлари** (концерт). 20.35 — **«Европа марказида», «Чех балети муз устида»** (ҳужжатли фильмлар). 20.45 — **«Шельменко—денщик»** номли фильм-спектакль (телетомошабинлар талабига мувофиқ).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/I да **Трубадур**, 12/I да **Чио-Чио-Сан**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/I да **Фурқат**, 12/I да **Холисхон**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/I да **Паранжи сирлари** («Холисхон»).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 15/I да мактаб музика абонементи бўйича 7,8,9,10, 11-синфлар учун **суҳбатли концертлар.** Кундуз соат 1 яримда ўзбек тилида: **«Ўзбекистон композиторлари ижодида ёшлар»** деган темада. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Кундуз Миркаримова, Коммуна Исмонлова**, кундуз соат 4 да рус тилида: **«Камер музикаси нима»** деган темада.

КИНО

Шоқин-суроли кун — «ВАТАН», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Достигаев ва бошқалар — ДРУЖБА» (1 ва 2-залда кундуз ва кечқурун).

Олекса Довбуш — СОБИР РАҲИМОВ номли, НАВОИЙ номли, «ЕШ ГВАРДИЯ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Тирилиш (1-серия) — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ёт қариндошлар — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
12 январдан
РСФСРда хизмат кўрсатган артист
Ю. ДУРОВ
гастролининг давоми
(Ўргатган ҳайвонлари билан)
Ўзбек чавандозлари — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Лола Хўжаева ва Анвар Хўжаев.** Томошалар давомида артист акаука **Ширманлар** қатнашади.
Томоша кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
12, 13 январда
ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ
КОНЦЕРТЛАРИ
Ансамблдан: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Меҳри Абдуллаева Дилором Шерова**, солистлар **Холисхон Қодирова, Манзура Мўминова, Равшан Мўминова, Роҳат Маннонова, Акбар Мўминов, Тоштемир Шарипов, Сайфиддин Йўлдошев Болта Шарипов**, филармониядан: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Кундуз Миркаримова, Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев**, Жаҳон ёшлар фестивали лауреати **Фозил Харротов**, солистлар **Ғафур Азимов, Раббим Ҳамдамов Ғафур Иногомовлар** қатнашади.
Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ТРАКТОР ЯИҒУВ ЗАВОДИГА
инженерлар: конструкторлар, теплотехниклар, технологлар, механиклар, металларни иссиқ ишлашга доир технолог техниклар, токарлар, фрезерчилар, пармаловчилар, сваркачилар, электриклар, ёрдамчи ишчилар, ҳамма станок ихтисосларига (18 ёшга етган) шогирдлар
керак
Адрес: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 117-уй (6-троллейбус, 10,11-автобусда борилади).

ПОЧТА ОРҚАЛИ ТОВАРЛАР
КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ, ҚИШЛОҚ ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯСИ, ЁШЛАР ВА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ
товарларни ПОЧТА ОРҚАЛИ БУЮРТИБ
олишлари мумкин
Заказни бажариш шартлари билан яқиндаги почта бўлимида ёки матлубот кооперацияси магазинларида танишиб, заказингизни «Кооппосилторг» Тошкент базасига юборинг.
Базанинг адреси: Тошкент шаҳри, Жоми кўчаси, 5-уй.
«КООППОСИЛТОРГ» ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИНИНГ
ФАБРИКА-ЗАВОД ШОГИРДЛИГИ МАКТАБИ
тўқувчи ва йигирувчи касбларига ўргатиш учун
7-10 синф ҳажмида маълумотли, 17 ёшдан 22 ёшгача бўлган **ҚИЗЛАРНИ**
Ўзбек ва рус группаларига
қабул қилади
Ўқиш муддати — 1 йил.
Қабул қилинганлар ётоқ ва стипендия билан, ҳалоқ бўлган жангчиларнинг, Ватан уруши инвалидларининг болалари ва ота-онасиз етимлар оғқат ва кийим билан ҳам таъминланади.
ФЗУ мактабига кирувчилар: паспорт, 3х4 сантиметр катталигида 3 та фотокарточка, маълумот ҳақидаги гувоҳномани тақдим қиладилар ва Тошкент тўқимачилик комбинати поликлиникасида тиббий кўрикдан ўтадилар.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе район 2-Виборг кўчаси, 3-а уй (9, 11-трамвайнинг «Богдан Хмельницкий» остановкаси).

Ўрта Осиё политехника институти билдирадики,
А. К. Плахтийнинг
диссертациясини ёқлаш
1961 йил 13 январга кўчирилади ва Гоголь кўчаси, 68-уйда кундуз соат 2 да бўлади.

ТУРКВО ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА
саноат корхоналари учётини ва ҳисобчиликнинг журнал-ордер формасини билган бош бухгалтер, металл буюмлар ишлаб чиқаришини билган нормаловчи, электросваркачилар, слесарлар (ишбайга)
керак
Мурожаат учун адрес: Ўзбекистон кўчаси, 41-уй. Телефон-коммутатор — 30-330, қўшимча телефон—8-46, шаҳар телефони — 34-132.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИГА
ёнғиндан сақлаш-қоровул охранаси ходимлари ва гардеробчилар
(эркак ва хотин-қизлар)
керак
Театрнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА
металл токарлари, фрезерчилар, шлифовкачилар, слесарлар тунукасозлар, прессчилар, металл кирқувчилар, электросваркачилар, обрубщиклар ва қуйма наждакчилари
КЕРАК
Заводнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (2-трамвай, 19-автобусда борилади).

«УЗГИПРОВОДХОЗ»ГА
лойиҳалаш учун
электрик инженерлар ва техниклар
керак
Тошкент шаҳри, Полиграф кўчаси 1-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон—41-275.

ШАХМАТ

МИХАИЛ ТАЛЬ—СТОКГОЛЬМДАГИ ШАХМАТ ТУРНИРИНИНГ ҒОЛИБИ

СТОКГОЛЬМ, 9 январь. (ТАСС). Кеча Стокгольмда халқаро шахмат турнири тамом бўлди. Охирги турда жаҳон чемпиони М. Таль швед мастери Лундин билан ўйнаб, 50-юришда ўйинни ютди. М. Таль ўтган турдан қолган кечиктирилган ўйинни ҳам ютди. Шундай қилиб 11 очкодан 9,5 очко олишга муваффақ бўлган М. Таль биринчи ўринни эгаллади. 9 очко олган гроссмейстер В. Ульман (Германия Демократик Республикаси) иккинчи ўринни эгаллади.

М. Таль ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Ўз ўйинимнинг натижаларидан мамнунман. Стокгольм турнири шу жиҳатдан менинг учун мароқли бўлдики, бу турнирнинг кўпчилик қатнашчилари менга нотаниш кишилар эдилар. Кўпгина шахматчилар билан биринчи марта учрашдим. Бу турнир менинг учун жаҳоннинг собиқ чемпиони М. Ботвиннин билан бўлажак учрашувга тайёргарлик кўриш жиҳатидан ҳам муҳим бўлди. Шуни хурсандлик билан қайд этмоқ керакки, турнир дўстона вазиятда ўтди. Ҳаммамиз аҳил бир оила бўлиб шу ерда янги йилни кутиб олдик. Германия Демократик Республикаси гроссмейстери Ульманнинг ўйинлари жуда яхши таассурот қолдирди. Афсуски гроссмейстер Котов Ульман билан учрашувда ютиш ҳолатига эга бўлгани ҳолда хатога йўл қўйиб, бу ўйинни ютқазиб қўйди. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш керакки, гроссмейстер Котов ҳисобида шу турнирда ўйналган кўпгина мароқли ўйинлар бор.

Албанлар юртида байрам

БУГУН албан халқининг катта тўйи. Бундан бир неча ҳафта илгари Албания меҳнаткашлари озодлик кунини байрам қилган бўлсалар, бугун Албания Халқ Республикасининг ўн беш йиллигини тантана қиляпти.

Албания Халқ Республикаси эълон қилинганидан буён 15 йил ўтди. Шу вақт ичида албан халқининг фидокорона меҳнати туфайли мамлакат гуллаб яшнади. Совет Иттифоқи ёрдами билан улкан саноат корхоналари, электростанциялар ва темир йўллар қурилди. Албания қолоқ аграр мамлакатдан илғор аграр-индустриал мамлакатга айланди. Шуни айтиш кифояки, ҳозир Албания корхоналари 1938 йилдагига нисбатан 30 баравар кўп саноат маҳсулоти, 18 марта кўп озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқаряпти. Ўтган йили ҳамма саноат маҳсулоти 1938 йилдагига қараганда 24 баравар кўп бўлди. Жумладан, кўмир казиб чиқариш 80 марта, электр қуввати ҳосил қилиш 20 мартадан зиёд ошди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Қишлоқда феодал муносабатлар илдизига болта урилди. Оддий деҳқон ерли, сувли бўлиб қолди. У энди қишлоқ хўжалик кооперативларига бирлашиб озод меҳнат гаштини суряпти. Йилдан йилга экин майдонлари ва ҳосил кўпайяпти. Ўтган йили экин майдонлари урушдан илгаригидагидан икки баравар, дон етиштириш эса икки марта кўпайди.

Аҳолининг моддий-маиший аҳволи тобора яхшиланяпти. Кейинги йилларда истеъмол моллларининг нархи 8 марта камайтирилди. 1937 йилдан бўён нафақалар ва кам иш ҳақи оладиган ишчи ва хизматчиларнинг ойлик иш ҳақи ошиб боряпти. Энди албан халқи яхши еядиган, яхши кийинган бўлиб қолди.

Илгари меҳнаткаш на ёзишни, на ўқишни биларди. Халқ ҳокимияти йилларида мамлакатда умумий бошланғич мажбурий таълим, йирик шаҳарларда эса етти йиллик таълим жорий қилинди. 1955 йилгача 40 ёшгача бўлган кишиларнинг ҳаммаси саводхон бўлиб олди. Ҳозир ҳар бир беш албаннинг бири мактаб, техникум ёки олий ўқув юртида ўқийди.

Халқ ҳокимияти аҳоли соғлиғини сақлаш ҳақида ҳам тинмай ғамхўрлик қиляпти. Илгари минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритган бўғма, сил, тиф каби даҳшатли касалликлар деярли батамом тугатилган. Давлат соғлиқни сақлаш ишларига 1938 йилдагига нисбатан 70 марта кўп маблағ сарфлаяпти.

Янги ҳаёт, социализм қуришда Совет Иттифоқи Албания Халқ Республикасининг мададкори бўляпти. Интернационализм ва дўстона ҳамкорлик принципларига ҳамиша амал қилаётган Совет давлати Албанияга моддий-техника ёрдами кўрсатяпти. Совет кишилари оғир ва енгил саноат корхоналари қуришда, янги техникани эгаллашда албан дўстларига ёрдамлашяпти. Совет элидан юборилган минглаб турли машиналар албан ишчиларининг юкини енгил қиляпти. Шунингдек, Совет Иттифоқи Албания меҳнаткашларига е н г и л ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ҳам юборди ва юборяпти. 1957 йилда Совет давлати Албанияга берилган 422 миллион сўм карзни кечди.

Албан халқи чин, содиқ дўсти совет халқидан миннатдор.

Бугун, Албания Халқ Республикасининнг 15 йиллиги кунида, албан халқининг улуғ байрами билан табриклаймиз, социализм қуришда унга муваффақиятлар тилаймиз.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси 26 уй

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: партия турмуши — 33469. Пропаганда — 33469. Саноат ва транспорт — 29.005. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 31226. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р 01452 Нашр. А. 9.